MILLIY KUTUB PALATA
INV.№

УШБУ СОНДА:
2 ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ПАНД БЕРДИ
3 ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС, ТАРБИЯЛОВЧИ
4 ЕЧИМСИЗ ЖУМБОҚ



James MADISON
ХАЛҚПАРВАР ИНСОН ҚИСМАТИ

MEZON:

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 12-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 40 (347)
2003 йил
14 октябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol imkoniyatlari

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАРНИ УЛУҒЛАГАН ЮРТ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан ҳазрат туғилиб ўсган шаҳар янгича кўрк ва жозиба касб этди

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида истиқлол йилларида тарихий адолатни тиклаш, маънавий қадриятларимизни эъзозлаш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. Ўтмишда наинки маънавий меросини ўрганиш, ҳатто номларини тилга олиш таъқиқлаб қўйилган, мўътабар мақбаралари вайронага айлантирилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотрудий, Бурҳониддин Марғиноний сингари ислом оламининг устунлари бўлган пири комилларга кўрсатилган чексиз иззат ва ҳурмат фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Бугун биз унутилмас сиймоларнинг хоки поки мўътабар зиёратгоҳга айлантирилганига, бу ерда ғоят муҳташам шарқона меъморий мажмуалар барпо этилганига, алломаларимизнинг бебаҳо асарлари эса ҳар бир хонадонга кириб бориб, маърифат улашаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларининг бошларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадамжоси тубдан қайта таъмирланди ва обод этилди. Соҳибкаромат Шайх таваллудининг 675 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди ва ушбу маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди. Тошкентда Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. Наманганда эса Бобораҳим Машраб боғи барпо этилди ва улуғ шоир таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан дастурхон ёзилди. Бу беназир мутафаккирларнинг асарлари қайта-қайта нашр этилди.

Шу тариқа шўро сиёсати табу қўйган тасаввуф олами намоёндаларининг бебаҳо маърифий мероси ва халқчил таълимотлари жамиятимизнинг маънавий мулкига айланди.

Тасаввуф оламининг сарчашмалари деганда даставвал Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳамда Хожа Аҳмад Яссавий каби пири комиллар сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади. Бу тенгсиз мутафаккирлар ўзига хос тариқат мактабларини яратишган ва ўзларидан бой маънавий мерос қолдиришган. Уларнинг тафаккур гулшанидан баҳраманд бўлган ҳар қандай одам руҳий уйғоқлик ва маънавий камолот йўлини танлаши муқаррар.

Дилингда бировдан бўлса шикоят,
Ундан озор чеккан бўлсанг-да ғоят,
Зинҳор ўч олишга чоғланма, билки,
Ёмонга бад кори қилур кифоят,

— дея таълим берган Шайх Абдулхолиқ Ғиждувоний мусулмон дунёсида Олам аҳлининг улуғи, яъни Хожаи жаҳон деб ғоят эъзозлаган. Аллома одамларни доимо яхшилик, ҳалоллик ва покликка даъват этган.

Бухорои шарифга шараф олиб келган етти пирнинг бошловчиси бўлмиш Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимоти дунёвийлик ва илоҳийлик уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Айни кунларда халқимиз давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Хожаи Жаҳон таваллудининг 900 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Ғиждувон шаҳри шу кунларда ғоят обод бўлиб, ўзгача фусун ва жозиба касб этган десак, асло хато бўлмайди. Шаҳар марказидаги пахта тозалаш заводи ташқарига кўчирилди. Унинг ўрнида ўн икки гектар ҳудудни ишғол этган замонавий шарқона бозор барпо этилди.

Бозорнинг дарвозасидан тортиб савдо расталари-ю дўконларгача миллий меъморий жило билан безатилгани, шинам ва ёруғлиги билан кўнгилда ҳавас уйғотади.

Ғиждувон шаҳрига олиб кирувчи халқа йўлларни айтмайсизми?!

Ички ва ташқи йўллар зарур даражада кенгайтирилган ва уларнинг теварак-атрофи обод этилган. Тошкент ва Бухоро шаҳарларига олиб борувчи магистрал йўлнинг атрофи гулзорга айлантирилган.

Шаҳарнинг қоқ марказида фавворали хиёбон, ҳунармандчилик музейи барпо этилган.

Ҳазрат қадамжосини тавоф қилувчи ихлосмандлар мана шу хиёбонда тин олиб, ўзларини руҳан чоғлаб, сўнг зиёрат сари қадам қўядилар.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ўз вақтида кўплаб шогирдлар етиштирган, уларнинг аксарият кўпчилиги сўнгги дамгача мана шу шаҳарда яшаб, халқимизга маърифат улашган.

Хожаи Жаҳоннинг мақбараси сингари унинг издошлари бўлмиш Хожа Лангар Ота ва Хожа Сўфий Чўяннинг хоки поки ҳам шўро тузуми даврида оёқости қилинган. Бугун бу зотларнинг қабрлари устида ҳам мақбара қад ростлади, бу жойлар обод зиёратгоҳга айлантирилди.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг даҳмаси ва мадрасаси тубдан қайта таъмирланди, шу билан бирга, бу табаррук масканда муаззам янги масжид барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, кўҳна Ғиждувон шаҳри тубдан яшарди ва у шарқона жозиба касб этган замонавий обод масканга айланди.





Бухоро. Эъзоз топаётган қадамжолар





АНИҚЛИК ЗАРУРАТИ

Muammo va taklif

Мамлакат бюджетини бойитишда солиқ йиғимлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Солиқ кодексида солиқ ҳақидаги қонун талабларини бузганлик учун солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги белгиланган. Солиқ кодексининг 132-моддасига мувофиқ солиқ соҳасидаги қонунбузарликка молиявий жазо чоралари қўлланилади. Шу билан бирга солиқ қонунчилигида солиқ тўловчиларнинг жавобгарликдан озод қилиниши ҳам назарда тутилган. Хусусан, Солиқ кодексининг 133-моддасига кўра, агар солиқ ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган маблағлари бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламагани ёхуд тўлиқ тўламагани учун жавобгарликдан озод қилинади.

Мамлакатимизда солиқ ва йиғимлар тўлаш тартиби Олий Мажлис томонидан белгиланади. Солиқ кодексида солиқларнинг турлари аниқ белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, солиқ қонунчилигида солиққа тенглаштирилган тўловлар тушунчаси мавжуд. Бундай тўловлар Солиқ кодексида назарда тутилмаган бўлса-да, амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат солиқларига тенглаштириб, уларни ундириш Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 444-сонли қарорига асосан ташкил этилган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ундирилаётган тўловларни мисол сифатида кўрсатилган.

Ушбу тўловларнинг манбалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, шунингдек, деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий суғурта бадаллари; фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари; корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сотилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалари; муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар, шунингдек, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар; ўз вақтида суғурта бадаллари тўланмагани ҳамда маблағ ажратилмагани учун ҳисобланган жарималар ва устамалар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадалларидан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган. Бироқ Солиқ кодексида Пенсия жамғармаси ва унга мажбурий тўловларни ундириш бўйича меъёрлар белгиланмаган. Бу эса амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, адлия идоралари томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, Солиқ кодексининг 133-моддасини қўллашда солиқлар ва йиғимлар тушунчасига Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни киритиш ёки киритмаслик муаммоси мавжудлиги аниқланди. Яъни солиқ тўловчининг пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўлаган маблағи мавжуд бўлиб, ушбу маблағ бошқа солиқ тури бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа ҳам, унга нисбатан Давлат солиқ идоралари томонидан молиявий жарима қўлланилмоқда. Шунингдек, солиқ ва йиғимнинг бошқа тури бўйича ортиқча тўланган маблағ Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа ҳам, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ ва йиғимларни вақтида тўламаганлик учун молиявий жазо чоралари қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, шу йил 19 августда эълон қилинган ПФ-3292-сонли Президент Фармони асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди ташкил қилиниб, унга тўланадиган тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилди. Тўловларни ундириш эса давлат солиқ идораларига юклатилди. Республика йўл фондига мажбурий тўловларни ундиришда солиқ тўловчиларни жавобгарликдан озод қилишда ҳам баён этилган муаммо келиб чиқмоқда.

Бу эса солиқ тўловчини жавобгарликдан озод қилиш тартибини ва молиявий жазо чораларини қўллашнинг аниқ усулини ишлаб чиқишни ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда. Ана шунда Солиқ кодексида белгиланган молиявий жазо чораларини асоссиз қўллаш ҳолатларига чек қўйилиши мумкин.

Нодир ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос

ФЕРМЕР БИЛИМДОН БЎЛСИН!

Islohotlar talabi

Фермер хўжалиги иқтисодий бақувват бўлиши зарур. Шундагина ундан ҳамкорлар моддий манфаат кўради. Акс ҳолда-чи? Ёки бўлар-бўлмас баҳоналар билан фермерга вақтида ёрдам беришмаса-чи? Оқ олтин туманидаги "Ж.Ёржонов" фермер хўжалиги ва туман машина трактор парки ўртасида тузилган шартнома мана шундай оқибатсизликка олиб келди.

Аниқроғи, «МТП» шартномада келишилган вазифаларни бажармади. Натижада, фермер "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамиятига шартнома шартларида белгиланган ҳосилни етказиб беролмади. Кейин даъво қилинишича, «МТП» туфайли фермер хўжалиги 4520840 сўм фойдадан маҳрум бўлган. Фермер ушбу маблағлар жамият ва «МТП»дан ундириб берилишидан умидвор бўлмоқда.

Хўш, шундай ҳол рўй бермаслиги мумкин эдими? Бунга ҳеч ишонгингиз келмайди, лекин йўқ десак, тўғрироқ бўлади. Ҳамма гап шартноманинг чалкаш тузилиши, томонларнинг жавобгарлик учун масъулиятни ҳис этмаслигида эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори юқорида баён этилгани сингари нохуш ҳолатларнинг олдини олиш имконини яратиш учун асос бўлди. Қарор асосида ишлаб чиқилган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, бажарилиши мониторингни олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низом ҳам шартномалар тузилиши тартиби ва уларга муносабати тубдан ўзгартиради. Энг муҳим янгилик контрактация ва хизмат шартномаларини тузиш ҳамда бажариш тартибининг битта Низомда белгиланганидир. Шартнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилади ҳамда бўлим ишлаб чиқарувчи манфаатини кўзлаб даъво ариза лари киритади. Шартномани тайёрлов ва хизмат кўрсатиш идораларининг ўзлари бориб тузиши ва рўйхатдан ўтказиб, бир нусхасини ишлаб чиқарувчига тақдим этишлари ҳам мантиққа тўғри келади. Демак, икки томон ҳам масъулиятни ҳис этади, ҳуқуқ ва мажбуриятларини шартномада белгиланганидек амалга оширади.

(Давоми иккинчи бетда)

Bugunning gapi

ТАДБИРКОРНИ ҚЎЛЛАГАН ЮРТ КАМ БЎЛМАЙДИ

Сурхон воҳаси деганда яқин йилларгача кўпчиликнинг кўз ўнгида марказдан олис қолоқ бир аграр вилоят гавдаланар эди. Истиқлол шарофати боис ҳамда тадбиркорликка ғамхўрлик ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилгач, Сурхондарё вилояти ҳам таниб бўлмас даражада обод гўшага айланмоқда.

Аслида моддий ва маънавий бойликнинг бунёдкори мана шу халқнинг ўзидир. Халқнинг фаровон яшаши учун биргина кўмак шуки, унинг орасидан етишиб чиқаётган ишбилармон ва тадбиркорларнинг йўлига маъмурий буйруқбозликдан иборат тўсиқларни қўймаслик, бир сўз билан айтганда, ишлаётганларга халақит бермасликдир. Жанубнинг деҳқонлари ва фермерлари қуёшга тўйган ширин-шакар меваларни бозорга ҳаммадан аввалроқ чиқаришга ҳаракат қилади ва бу олийҳимматлик уларга чексиз ғурур бахш этади. Президентимиз ишбилармонлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш биринчи галдаги вазифа эканини уқтириб келмоқда. Бу борада чиқарилаётган фармонлар, қарорлар, қонунлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик тизимини турли хил сунъий тўсиқлардан ҳимоялаш кўпроқ Адлия вазирлиги ҳамда жойлардаги адлия идоралари зиммасига юклатилганлиги эътиборга молик самаралар бермоқда. Ўтган 9 ойи мобайнида Адлия вазирининг буйруғи (№19. 22.03.2000 й.) ҳамда вазирлик ҳайъат қарори (17.03. 2000 й.) га кўра ўтказган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, гарчанд тадбиркорлик тизимини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар қилинаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз тафаккурида эски замон сарқитлари қотиб қолган, бугуннинг талабини англай олмаётган баъзи раҳбарлар ҳам учраб турибди.

— Ҳисобот даврида тадбиркорларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш бўйича икки ҳолатни фош этдик, — дейди Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Чориёр Аллаёров. — Узун туманида "Шухрат-1" деб номланган кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси бор. Унга тадбиркор аёл Р.Пардаева раҳбарлик қилади. "Пахтабанк"нинг туман бўлими бошқарувчиси Ж.Абдусатторов ҳамда бош мутахассис М.Содиқовалар "Шухрат-1" фирмаси ҳақида қасддан сохта маълумот бергани учун туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказилиб, катта миқдорда молиявий жарима қўлланилган. Натижада тадбиркор ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган. Биз мутасадди раҳбарлар номига тақдимнома юбориб, банк ва солиқ идораси ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйдик. Дарҳол тадбиркорга нисбатан қўлланган молиявий жарима бекор қилинди.

Денов туманида ҳам худди шундай воқеа рўй берди. Денов тумани ДСИ ходимлари О.Эргашев ва Б.Усмоновлар «Ибн Сино» номидаги дорихонани обдон чиғириқдан ўтказиб текширадилар. Лекин бу шоввозлар дорихона мудири А.Баҳриев талаб қилганда ҳам "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдиришни нописандлик билан рад этди. Биз бундай ўзбошимча қонунбузар сорлиқчиларни қаттиқ интизомий жазога тортиш ҳақида раҳбариятига тақдимнома киритдик. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин...

Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида давлат ҳокимияти идоралари томонидан хўжалик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларнинг маблағларини бошқа мақсадларга сарфлашга мажбурлаш ҳолатлари ҳам аниқланди. Олтита туман ҳокимининг қонунга зид қарорлар ва кўрсатмаларни бекор қилиш тўғрисида тақдимномалар жўнатилди. Тадбиркорларнинг фаолиятига кўмаклашиш ўрнига уларга кредитлар беришни пайсалга солиб келаётган айрим банк раҳбарлари ҳам қабилида иш юритишмоқда. Улар томонидан ўтган 9 ой давомида 28 ҳолатда қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Вилоят Марказий банк бош бошқармасига бу хусусда тақдимнома киритилди, аммо ҳалигача жавоб келгани йўқ. Текширишлар натижаси ўлароқ Шўрчи туманидаги «Элбаён» маҳалласида яшовчи "MJF-97" фирмаси бошлиғи Баҳром Маматқуловнинг уч миллион сўмлик имтиёзли кредит сўраб, "Асакабанк"нинг вилоят бўлими остонасида сарғайиб юришига чек қўйилди.

Банк раҳбарлари уни асоссиз баҳоналар билан сарсон этишаётгани аниқланди. Шундан сўнг ушбу бошбошдоқликка йўл қўйган банк мутасаддиларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритилди. Шунингдек, "Алоқабанк"нинг вилоят бўлими раҳбарлари ҳам тўрачилик қайфиятига берилиб, Музробот туманида яшовчи Н.Чориевнинг имтиёзли кредит сўраб берган аризасини эътиборсиз қолдиришган. Натижада тадбиркор қарийб бир йиллик саргардонликдан сўнг бир қанча нуфузли идораларга шикоят ёзишга мажбур бўлган.

Ходимларининг текширувида маълум бўлишича, кредит комиссиясининг шу йил 8 майдаги йиғилишида Н.Чориевнинг аризаси кўриб чиқилиб, "тадбиркорнинг ўз уй-жойини гаровга кўйиши ноқонунийдир" деган хулосага келинган. Бу борада ҳам қонунбузилиш ҳолатларини дарҳол тузатиш ҳамда тадбиркорни сарсон қилган "Алоқабанк" мутасаддиларига нисбатан чора кўриш ҳақида вилоят Марказий банкига тақдимнома киритилди.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ПАНД БЕРДИ

Камол Бобомуродов билан Ваҳоб Саиднасимов Жиззах шаҳридаги битта кўчада истиқомат қилишади. Улар хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик сармоясиз ривожланмайди. Айниқса, Камол билан Ваҳоб танлаган чорвачилик соҳасидаги тадбиркорликда маблағ бўлмаса, кўзлаган мақсадга етишиш қийин.

Шу боис ҳар икки тадбиркор бир пайтда "Асака" банкнинг Жиззах вилоят бўлимига 2 миллион 100 минг сўмдан имтиёзли кредит беришни сўраб, ариза билан мурожаат қилишади. Улар "Бандликка кўмаклашиш" жамғармаси ҳисобидан кредит олиш учун амалдаги тартибда кўзда тутилган зарур ҳужжатларни тайёрлаб, банк муассасасига тақдим қилишган.

Хусусий тадбиркорларнинг ёзган аризалари "Асака" банкнинг вилоят бўлимида 2001 йилнинг 28 сентябр куни 56 ва 57-сон билан ариза ҳамда мурожаатларни рўйхатга олиш китобига қайд қилинади. Тартибга кўра, хусусий тадбиркорлар аризалари беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим эди. Афсуски...

Шу ўринда гапни тадбиркордан эшитинг. Ташвишлари бир, мақсадлари 2 миллион 100 минг сўм имтиёзли кредит олиш бўлган Камол билан Ваҳоб дастлабки ойларда банкка чақириб, талабимизни қаноатлантиришар, деб кутишди. Бироқ ҳеч қандай хабар бўлмагач, банк бошқарувчиси Н.Юсупов қабулига қатнай бошлашди. Очиғи, микрокредит сўраб, К.Бобомуродов ва В.Саиднасимовнинг "Асака" банкнинг вилоят бўлимига қатнаши салкам икки йил давом этди.

Икки тадбиркорнинг Адлия вазирлигига кредит пул маблағларини ололмаётгани юзасидан ёзган аризасини ўрганиб чиққан вилоят адлия бошқармаси ходимлари "Асака" банкнинг вилоят бўлими бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйганини аниқлади. Жумладан, банк Марказий банк бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган 463-сонли ва Адлия вазирлигида 2000 йил 29 февралда рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби тўғрисида"ги 902-сонли Низомини ва Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган **"Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида"**ги 174-сонли Низом талаблари қўпол равишда бузилган.

Бундан ташқари, банк раҳбарлари **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 21-моддасига амал қилмаган. **"Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи**, — дейилади ушбу моддада, — **унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма равишда хабар қилиши шарт"**.

Англаш қийин эмаски, Камол Бобомуродов ва Ваҳоб Саиднасимов мурожаатларига вақтида ҳеч қандай жавоб берилмагани боис юқори ташкилотларга "Асака" банкнинг вилоят бўлимидан кредит пул маблағларини ололмаётгани тўғрисида арз қилишга мажбур бўлишган.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси "Асака" банк бошқаруви раиси Ш.Жўраев номига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида тақдимнома киритган эди. Тақдимномани "Асака" банкнинг Жиззах вилоят бўлими масъул мансабдор шахслари иштирокида муҳокама қилиб, қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш, келгусида бундай қонунбузилиш ҳолатларига бошқа йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш сўралганди. "Асака" банк бошқарувидан вилоят адлия бошқармасига тақдимнома юзасидан жавоб келди. Банк бошқарув йиғилишида тақдимномада қайд қилинган қонунбузилиш ҳолатлари ўрганиб чиқилган. Қонунбузилишларга йўл қўйгани учун "Асака" банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Н.Юсупов ва банкнинг қарз бериш бўлими бошлиғи М.Суннатовларга Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан интизомий жазо тайинланган.

Тадбиркорлар, жумладан, хусусий тадбиркорнинг мурожаатига жавоб бермаслик, сансоларлик, ўзибўларчилик кайфиятининг ҳукмронлик қилиши фуқаролар ўртасида қонунларга ишончсизликни келтириб чиқаради. Мансабдор шахсларнинг қонунларга амал қилмасдан қонунбузилишларни содир этиши эса уларнинг обрўсига соя ташлайди.

Мирзабек ЁҚУБОВ,
ҳуқуқшунос

Dakki

Tadbirkor va qonun

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Адлия вазирлиги ва Олий суд ўртасидаги ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан судлар томонидан кўрилган 1200 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганиб чиқилиб, бу соҳадаги суд амалиёти умумлаштирилди. Ўрганиш натижалари бўйича Олий суд томонидан "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"ги Пленум қарори қабул қилинди.

ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

Мазкур қарорда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қонуний кўриб чиқиш юзасидан қуйи судларга бир қатор амалий кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳри ва барча вилоят судларига Адлия вазирлиги ва Олий суднинг 2002 йил 11 январдаги қўшма кўрсатмаси юборилиб, унга асосан суд раисларидан тадбиркорларга нисбатан кўрилган ҳар бир жиноят ишини назоратга олиш, улар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажримлар юзасидан ҳар ойда хулосаларни юбориш ҳамда бундай тоифадаги ишлар бўйича статистик таҳлилларни олиб бориш талаб қилинди. Бироқ ана шу хулосаларни ўрганиш жараёнида ҳанузгача айрим судлар томонидан тадбиркорларга содир этган ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлари учун жазо тайинлашда Олий суднинг юқорида қайд этилган Пленуми қарорининг талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани, тадбиркорларга адолатсиз жазо тайинлаш, шу жумладан, ахлоқ тузатиш иши жазосини умумий асосларда белгилаш ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланмоқда. Бу салбий ҳолат эса уларни бозор иқтисодиёти шароитида жамият учун фойдали бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этаётир.

Аниқроқ айтганда, амалиётда тадбиркорлар билан тижорат банклари ўртасида тузилган кредит шартномаларнинг шартларини тўлиқ ёки белгиланган муддатларда бажарилмаслик оқибатида келиб чиқадиган низолар хўжалик судлари орқали ҳал этилиши белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан, айрим ҳолларда бундай низоларнинг келиб чиқиши тергов идоралари томонидан жиноий қилмиш деб малакаланмоқда. Мисол учун айтсак, Хоразм вилояти, Урганч туманидаги "Оби-Ҳаёт Арслонбек" хусусий фирмаси раҳбари Э.Абдуллаев "Тадбиркорбанк"нинг Урганч тумани бўлимидан 1999 йил 22 июл куни кредит шартномаси асосида ўз мулкини гаровга қўйиб, 1 йил муддатга 5.000.000 сўм кредит олган. Бироқ тадбиркор маълум сабабларга кўра ўз бизнес режаларини белгиланган вақтда амалга ошира олмаган ва банкка олинган кредит маблағини ўз вақтида қайтармаган.

Кредит шартномасида томонлар ўртасида юзага келадиган низолар хўжалик судида кўрилиши белгиланган сабабли банк Хоразм вилояти хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилган. Вилоят хўжалик судининг 2000 йилнинг 4 декабр куни чиқарилган ҳал қилув қарори билан Э.Абдуллаевдан олган кредитни фоизлари билан биргаликда 8.000.000 сўм маблағни банк фойдасига ундириш белгиланган. Шу тариқа шартнома талабларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида келиб чиққан мазкур хўжалик низоси қонуний ҳал этилган.

Шундан сўнг суд қарори ижрога қаратилиб, тадбиркордан банк фойдасига 4.000.000 сўмдан ошиқ маблағ ундирилиб, ижро жараёни давом этаётганига қарамасдан тергов идораси томонидан 2002 йилда Э.Абдуллаевга нисбатан Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми "А" банди билан жиноят иши қўзғатилган ва жиноят ишлари бўйича Урганч туман судининг 2002 йил 29 мартдаги ҳукмига биноан тадбиркор асоссиз равишда судланиб, унга 3 йил муддатда мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва 1.183.500 сўм миқдорида жарима солиш жазоси тайинланган.

Устига устак, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг кассация инстанцияси ҳам иш ҳолатларига тўғри баҳо бермаган. Суд жиноят ишини Э.Абдуллаевнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмагани учун ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан тугатиш ўрнига унинг содир этган жиноий қилмишини кам аҳамиятли деб топиб, ишни ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда тергов идоралари ва судлар томонидан Жиноят кодекси меъёрларининг нотўғри талқин этилиши оқибатида тадбиркорларни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги "Меҳр" хусусий фирмасига қарашли дорихонада туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда фирма раҳбари Ҳасан Бозоров махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан 770.700 сўмлик дори-дармонларни сотиб, савдо пулини банк муассасасига ўз вақтида топширгани аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан тергов идоралари томонидан Ҳ.Бозоровга нисбатан ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми бўйича, яъни савдо қоидаларини кўп миқдорда бузган деб жиноят иши қўзғатилган. Бу ҳолатда тадбиркор Ҳ.Бозоровнинг бор-йўқ айби махсус рухсатнома олмасдан дори-дармон воситаларини аҳолига сотганидир. Шу боис унинг қилмишини ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми билан малакалаб бўлмайди, чунки у савдо қоидалари бузмаган, балки махсус рухсатнома олмасдан дори-дармон воситаларини аҳолига сотган. Бундай ҳолда унинг қилмиши ЖКнинг 190-моддасининг 1-қисми билан малакаланиши лозим эди. Аммо бу модда билан Ҳ.Бозоровни жиноий жавобгарликка тортиш учун у илгари худди шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши шарт эди. Бу қилмиш биринчи марта аниқланган сабабли Ҳ.Бозоровнинг ҳаракатларида ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқ.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани суди ана шу ҳолатларга тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан туриб, 2002 йил 3 апрел куни тадбиркорга нисбатан асоссиз равишда ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми билан айблов ҳукми чиқарган.

Ҳолбуки, Жиноят кодексида кўрсатилган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятлар таркибига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар киритилган. Олий суднинг бир қатор Пленумлари қарорларида бундай тоифадаги жиноят ишларини кўришда судларга жиноят ишларини тугатиш масаласини муҳокама қилиш, тадбиркорларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, кўпроқ жарима жазоларини қўллаш юзасидан амалий кўрсатмалар берилган бўлишига қарамасдан айрим ҳолларда уларга қуйи судлар лозим даражада амал қилмаяпти. Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Жиноий ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судининг 2002 йил 5 июндаги ҳукми билан "Эъзоза" хусусий дўкони сотувчиси Санобар Ҳайитметова савдо қоидаларини кўп миқдорда бузгани учун ЖКнинг 189-моддасининг 3-қисми билан 3 йил муддатга савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Жиноят кодексининг ушбу моддаси санкциясида бундай жазо назарда тутилмаган бўлса-да, суд тадбиркорга шундай жазо тайинлаган.

Зарафшонлик Ж.Тошмуродов, шаҳрисабзлик Н.Аҳмедов, чортоқлик О.Ҳасанов, бухоролик Н.Асланов ва У.Ҳамдамовлар, деновлик М.Алимов ва М.Хўжамуродова каби тадбиркорларга ҳам биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилгани учун туман ва шаҳар судлари томонидан 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатларга ахлоқ тузатиш ишларини ўташ жазоси тайинланган. Шунингдек, ушбу жазоларни ИИБ томонидан тайинланадиган жойларда ўтаттиришни белгилаш тўғрисида ҳукм чиқарилган. Бундай жазоларнинг тайинланиши фуқароларни келгусида жамият учун фойдали бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Адлия вазирлигининг аралашуви билан мазкур суд ҳукмлари Олий суд томонидан бекор қилинди. Натижада кеч бўлса-да, адолат қарор топди. Агар ушбу ишлар ўз вақтида туман ва шаҳар судларида мазмунан тўғри кўриб чиқилиб, адолатли ҳукм ва ажримлар чиқарилганида тадбиркорларнинг ўз фаолиятлари билан шуғулланишлари ўрнига Олий суд, Адлия вазирлиги ва бошқа идораларига қатнаб, овора бўлмасди.

Албатта, бу билан тергов ва суд идораларининг фаолиятини салбий баҳолаш фикридан йироқмиз. Аксинча, қонун талабларини амалиётга тўғри тадбиқ этилиши тарафдоримиз. Чунки қонун ҳамма учун баравардир. Шу боис қонунга амал қилинган жойда адолатсизлик рўй бермайди, ҳеч кимнинг манфаатларига зиён етмайди. Бу эса мамлакат тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Абдурахмон САФОЕВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими

Mavzuga qaytib

СОХТАКОРЛИК

У ҚАЧОН ЯКУН ТОПАДИ?

Оқ-олтин туманидаги "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" техник маркази билан "Умаркул ҳожи" фермер хўжалиги ўртасида фермер хўжалигига 541232 сўмлик эҳтиёт қисм етказиб бериш тўғрисида ўтган йилнинг 15 феврал куни ўзаро шартнома тузилади. Шартномага биноан, фермер хўжалиги зарур миқдордаги пулни марказ ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Бироқ эҳтиёт қисмлардан ҳадеганда дарак бўлмади. Фермер хўжалиги раҳбари А.Худойназаров марказ раҳбари ҳузурига қатнаб сарсон бўлди. Охир-оқибат орадан бир йил ўтгач, феврал ойида бу масалага Сирдарё вилоят адлия бошқармаси аралашди. Аммо марказ раҳбари Х.Жабборов яна қуруқ ваъдадан нарига ўтмади.

Шундан сўнг жорий йилнинг апрел ойида вилоят адлия бошқармаси "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" вилоят техник маркази раҳбари А.Раҳмонқулов номига тақдимнома йўллади. Унда жумладан, шундай дейилади: **"Сиз бошқараётган бошқармага қарашли марказ раҳбари Х.Жабборов ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда, фермернинг маблағидан бир йил давомида ноқонуний фойдаланиб, хўжаликка эҳтиёт қисмлар бермаган ёки пул маблағини қайтармаган, раҳбар номига доғ туширмоқда. Ушбу ҳаракатлари билан амалдаги қонунларга нописандлик қилиб келмоқда"**.

Бироқ ана шу мурожаатлардан сўнг ҳам масала ижобий ҳал этилмагач, вилоят адлия бошқармасининг фермер хўжалигини қўллаб-қувватлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Даъво аризаси ва тақдим этган ҳужжатларига кўра, бу масала 25 мартда вилоят хўжалик судида кўрилган. Судда асосий қарз ва унинг 333 кунлик 0,5 фоизли устамаси — жами 819348 сўм тумандаги марказдан фермер фойдасига ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Шу йил 28 апрелда суднинг ижро варақаси ҳам чиқарилди.

Бироқ марказнинг вилоят раҳбари А.Раҳмонқулов тақдимномага жавоб бермади, туман раҳбари суд қарорини бажармади. Ниҳоят, июн ойига келиб, фермер қарздор ўз қарзини тўлагани ва шу билан келишиб олингани тўғрисида вилоятдаги марказга ва адлия бошқармасига хат ёзади. Орадан кўп ўтмай маълум бўлдики, қарз узилгани ҳақидаги хат туман маркази раҳбари илтимосига кўра ёзилган ва қарз ҳали тўлиқ узилмаган экан. Банкдан олинган маълумот ҳам ҳали қарзнинг 400 минг сўмдан кўпроғи узилмаганини тасдиқлайди.

Шу йилнинг 12 июл куни "Сирдарё ҳақиқати" газетасида бу ҳақда "Найрангми, нима бу?" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилди. Кейинроқ "Инсон ва қонун" газетасида ҳам бу масала ёритилди. Энг қизиғи, бир ойдан сўнг "Сирдарё ҳақиқати"да "Машхолдинг" вилоят маркази раҳбари А.Раҳмонқуловнинг жавоби босилди. Бу жавобдан кўра, ҳақиқатни инкор этишга, ҳатто танқидга раддияга ўхшаб кетди. Унда шундай жумлалар бор: "Мақола муаллифлари "Ўзқишлоқмашхолдинг" Оқ-олтин туман марказининг мавжуд аҳволини ҳисобга олишмаган, устига-устак мақола 12 июл куни чоп этилди. Вақоланки, бунга қадар қарзлар тўлиқ узилган эди".

Энди А.Раҳмонқуловнинг адлия бошқармаси тақдимномасига уч ойдан сўнг, яъни 25 июнда ёзган ва 7 июлда рўйхатда қайд этилган хатидаги сатрларни ўқинг: "Умаркул ҳожи" фермер хўжалиги Оқ-олтин туман техник маркази Х.Жабборов ҳисоб рақамига ўтказган 546232 сўм миқдоридаги маблағга 100 фоиз эҳтиёт қисмлар билан таъминланган".

Энди фермернинг шундан сўнг, аниқроқ айтганда, 22 августдаги хатидан парча: "**...Х.Жабборов минг хил ваъдалар бериб, қарзининг ярим қисмига эҳтиёт қисмлар берди ва қишлоқ хўжалик шиналари олиб, хўжалигингизга ўзим олиб бораман, келиб мени излаб юрманг, дегандан сўнг хат ёзиб берган (келишув битими тузилгани ҳақидаги хат назарда тутилмоқда) эдим... "Машхолдинг"ни қайтадан судга бермоқчиман"**.

Хўш, ким адашиб ёзаяпти? Муаммо-ку ҳамон ҳал этилмаган. Фермерни лақиллатиб, ёлғон хат ёздириб олиш кимга керак эди?..

Суд қарори ва тақдимнома ижро этиш учун мажбурийдир. Агар ярашиш битими тузилган бўлса, унинг ҳақиқийлигини фақат суд ҳал этиши керак. Ҳар иккала ҳужжат ҳам қонуний йўл билан ҳал этилмагани ғалати. Сохтакорлик кимга наф келтираркин?..

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Бухоро.
Эъзоз топаётган қадамжолар

Taassuf

ОҚЛАНМАГАН ИШОНЧ

Бундан анча илгари Балиқчи туманидаги "Яхши ният" кооперативи ташкил этилганда, бир гуруҳ фермер хўжаликлари унинг атрофига уюшган эди. Аслида фермер хўжаликлари унинг истиқболига умид қилишган эди. Ҳолбуки, бу кооперативнинг вазифасига фермер хўжаликларига сервиз хизмати кўрсатиши, яъни уруғлик чигит, буғдой, ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериши, техника таъминоти, етиштирилган пахта ва ғалла ҳосилини сотиши, унинг пулини ўз вақтида фермерлар ҳисобига тушириб бериш сингари бир қатор муҳим масалалар кирарди. Кооператив ҳатто фермерлар номидан шартнома тузиш ваколатини ҳам ўзига олган эди. Албатта, бу хизматлар текинга эмас, балки фермер хўжаликлари ўзлари олган даромаднинг 5 фоизини аъзолик бадали сифатида кооперативга тўлашга келишишган.

Аввалига ҳамма иш рисоладагидек кетаётган эди. Икки томон — кооператив ҳам, фермер хўжаликлари ҳам бундан мамнун эди. Лекин кейинроқ кутилмаганда "Яхши ният"нинг чуви чиқиб қолди.

Нега дейсизми?

Келинг, яхшиси, фермерларнинг гапига қулоқ солайлик.

— Мен "Мададкор" фермер хўжалигининг бошлиғиман,— дейди Р.Ваҳобжонов. — Фермер хўжалигимиз ҳам "Яхши ният" кооперативига аъзо эди. Аввалига ишлар бир нави кетаётган эди. Кейинчалик эса муаммо пайдо бўлди. Гап шундаки, хўжалигимиз томонидан 2001-2002 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой маҳсулотларини сотишдан келиб тушган 1 миллион 861 минг 229 сўм пул маблағлари кооператив раҳбарияти томонидан "Шаҳобиддин" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ноқонуний равишда ўтказиб юборилган. Улар нега кўр-кўрона бу ишга қўл уришган, бундан ким манфаатдор бўлган — билмаймиз...

— Менинг дардим сизникидан оғирроқ, — дейди "Хожи ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Одилжон Ҳожиев. — Фермер хўжалигимизда 2001-2002 йиллар мобайнида етиштирилган пахта ва буғдой маҳсулотини сотишдан, лизинг техникасидан келтирилган даромад ҳисобидан жами 3 миллион 085 минг 643 сўм пул маблағи кооперативга аъзо бўлган бошқа бир фермер хўжалигига, яъни "Абдуғани ота" фермер хўжалиги ҳисобига ўтказиб юборилган.

Буёғини сўрасангиз, "Яхши ният"дан "куйган" фермер хўжаликлари кўп экан. 2002 йил пахта ҳосилини сотишдан тушган пул маблағларидан "Ҳожиқулов" фермер хўжалигига тегишли 557.392 сўм, "Ўзбекистон 8 йиллиги" фермер хўжалигига тегишли 1 миллион 452 минг 261 сўм, "Маҳкамбой ота" фермер хўжалигига тегишли 918.631 сўм, "Ваҳобжон ҳожи" фермер хўжалигига тегишли 23602 сўм, "Сулаймон ота" фермер хўжалигининг 1 миллион 51 минг 869 сўм, "Саҳоба" фермер хўжалигига тегишли 1 миллион 500 минг сўм, жами бўлиб 12 миллион 10 минг 118 сўм маблағни фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказиб бермасдан кооператив бош ҳисобчиси Шокиржон Иброҳимов ўзига қарашли бўлган "Хон" фермер хўжалигига 2 миллион 30 минг 653 сўм, "Ойбулоқ" фермер хўжалигига 785802 сўм, "Муҳаммад Бобур" фермер хўжалигига 132.829 сўм ва бошқа фермер хўжаликларига ўтказиб берган.

Хўш, бу қолни қандай изоҳлаш керак? Бундай кўр-кўрона ҳаракатнинг остида қандай мақсад ётибди?

Қизиқ жойи шундаки, "Яхши ният" кооперативи бош ҳисобчисининг бу масалага изоҳи кишини таажжубга солади.

— Бунинг сабаби, — дейди бош ҳисобчи Шокиржон Иброҳимов, — мен ҳисоботларни чалкаштириб юборганман, ёнилғи мойлаш материалларини тақсимлашда нотўғри ишлар оқибатида ана шундай чалкашликлар келиб чиқди. Бундан мен ҳам, кооператив раҳбари ҳам моддий манфаатдор бўлган эмасмиз. Бу оддий хато, чалкашлик...

Мана сизга жавоб!

Албатта, бугунги кунда бу хатолар тузатилди, фермер хўжаликлари ўз ҳақларини олишди. Айбдорлар тегишли жазога тортилди.

Энг асосийси, фермер хўжаликлари мустақил равишда ғалла ва пахта ҳосилини топшириш учун тайёрлов ҳамда қайта ишлаш корхоналари билан бевосита ўзлари шартнома тузмоқда. Пул маблағлари кооперативнинг аралашувисиз тўғридан-тўғри фермер хўжалиги ҳисобига келиб тушмоқда.

Шу билан бу мавзуга якун ясасак ҳам бўларди. Бироқ кўнгилда шундай мулоҳазалар туғилди: аслида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун тузилган мана шундай кооперативлар керакмикин?! Уларнинг воситачилигига эҳтиёж борми?! Бу фермер хўжаликларининг мустақил фаолият кўрсатишига таъсир қилмаяптими?! Бу, табиийки, жиддий ўйлаб кўришга, муҳокама қилиб кўришга арзийдиган мавзу! Шундай эмасми, сиз бунга нима дейсиз?!

Абдулатиф АҲМЕДОВ,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТАДБИРКОРНИ ҚЎЛЛАГАН ЮРТ КАМ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Умуман олганда, Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига жорий йилнинг шу пайтига қадар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан жами 396 та (ўтган йилдан қолдиқ аризалар билан бирга жами 405 та) ариза ва шикоятлар келиб тушди. Шундан 368 таси қаноатлантирилди, 210 та ариза бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. Асоссизлиги боис 18 та ариза рад этилди.

Бундан ташқари, адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб судларга жами 652 миллион 184 минг 241 сўмлик 158 та даъво аризаси ҳамда тегишли ҳокимликлар ва ташкилотларга 92 та тақдимномалар киритилди. Албатта, амалга оширилган хайрли, савоб ишлар ҳақида бундан-да кўпроқ мисоллар келтириш мумкин. Бироқ ҳали тадбиркорлар ва ишбилармонлар орасида ҳануз ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда иккиланаётган, сусткашликка йўл қўяётган, меъёридан ортиқ андиша қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Мисол тариқасида бир пайтлар туман ҳокимлигининг лоқайдлиги туфайли ўз вақтида экин майдонини ололмай адлия бошқармасига шикоят қилган, ҳатто даъво аризаси адлия бошқармаси томонидан хўжалик судига киритилиб, қаноатлантирилган деновлик фермерларнинг муаммосини олайлик. Ўшанда тумандаги "Баҳриддин" фермер хўжалиги ҳатто ер ажратиш тўғрисидаги вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қароридан экин майдони ололмаётганлигидан зорланиб, адлия бошқармасига қайтадан шикоят қилган эди. Бу ҳақда "Инсон ва қонун" саҳифасида "Тақдимнома ва натижа" сарлавҳали мақола ҳам эълон қилинган эди. Бироқ кўп ўтмай, айнан ўша фермер хўжалиги томонидан тахрият номига раддия сўраб, эътирозли мактуб келган эди. Албатта, ушбу можародан тўлиқ хабардор бўлганлар фермернинг ўша хатни ўз ихтиёри билан ёзмаганлигини яхши билишади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор юртдошларимиз ичида ҳали-ҳануз мутасадди раҳбарларнинг қошу қовоғига қараб, ўз ҳақини талаб қилолмайдиганлар ҳам учраб туради. Элчилик, буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Аммо минг шукурки, лафзи, субутидан қайтадиган андишабозлар тобора камайиб, ҳуқуқий тафаккури юксалган ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда. Мантиқан шундай бўлиши керак ҳам. Чунки ўз ҳақинг учун ўзинг курашмасанг, сен учун ким курашади?

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
"Инсон ва қонун" мухбири

ФЕРМЕР БИЛИМДОН БЎЛСИН!

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш идоралари моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва техника хизмати кўрсатиш шартларини вақтида бажаришмаса, жавобгар бўлиб қолаверади. Шунингдек, улар шартномалар бажарилиши мониторингини ўтказишлари, демак, ҳақиқий аҳволдан яхши хабардор бўлиб бориб, тегишли ташкилотлар билан биргаликда йиғма ахборот тайёрлашлари шарт.

Албатта, шартномани рўйхатга олиш ҳамда ижросини кузатиб бориш қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига ҳам катта масъулият юклайди. У энди қишлоқ хўжалигидаги кундалик ишларнинг боришида бевосита хабардор бўлиши, керак пайтда ёрдам кўрсатиши зарур.

Шартномани лозим даражада, яъни ўз вақтида ва тўлиқ бажармаслик ҳам томонлар ўртасида низо чиқишига олиб келади. Аввалги қоидаларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар жавобгарлиги назарда тутилмаган эди. Худди шундай ҳолатнинг оқибати нимага олиб келишини айнан шу тумандаги фермер мисолида ҳам учратган эдик. Бир фермер туман "Кимётаъминот" корхонаси билан минерал ўғит олиш ҳақида шартнома тузган. Лекин унга ўғит берилмаган. Фермер эса агар ўғит бўлганда, ҳосил юқори бўларди, маҳрум этилган фойдани корхона тўласин, деб даъво қилган. Лекин маълум бўлишича, юқори идоранинг буйруғи билан ўғит етказиб бериш вазифаси кейинроқ Янгиер туманлараро ўғит базасига топширилган экан. База вакили шартнома биз билан тузилмаган, деб важ кўрсатди. Ҳатто ҳосилот-мутахассис бошлаб келиб, минерал ўғитсиз ҳам ҳосил етиштириш мумкин, деб исботламоқчи бўлди. Чунки қўшни фермерлар маҳаллий ўғит ҳисобига ҳам шартномада белгиланган миқдорда ҳосил олишган экан-да. Шуниси аниқки, ушбу фермерлар ҳам керакли ўғитни олишмаган. Бу ўринда фермер ўша салбий оқибатга икки бора сабабчи этиб қўйилди. Яъни у ўғит етказиб берувчини қайта аниқлаб, шартнома тузмаган ва иккинчидан, минерал ўғитсиз ҳам пахта етиштириш чорасини кўрмаган.

Бу ҳолатда, албатта, жавобгар томон топилади, лекин анча оворагарчиликка олиб келиши тайин. Янги қарор ва Низом бўйича эса томонлар жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилади. Ҳатто шартномаларни ўз вақтида пухта тузиш учун ҳам томонлар масъул ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, янгича тартиб фермерлар учун мутлақо енгиллик бўлиб туюлмаслиги лозим. У нафақат ҳосил учун жавобгар, балки шартнома аввалбошдан пухта ва пишиқ бўлиши, унда назарда тутилган хизмат, ишлар ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилиш учун ҳам масъулдир. Демак, фермер янада билимдон, ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билиши шарт.

Абдумурод ҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилояти

Islohotlar talabi

Huquqiy ma`rifat

САБАБИЙ БОҒЛАНИШ

УНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Фалсафа фанида сабаб ва оқибат тушунчалари бир-бирисиз мавжуд бўлмаслиги, яъни сабаб оқибатни келтириб чиқариши ҳақида категория мавжуд. Мазкур тушунчани ҳуқуқ фанига, аниқроғи, Жиноят ҳуқуқига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки жиноят ҳуқуқида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш жиноятнинг жазога сазоворлигида муҳим аҳамият касб этади.

Сабабий боғланишни аниқлашда оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) натижасида келиб чиққан бўлиши ҳамда келиб чиққан оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ёхуд бу қилмиш содир этилишидан ижтимоий-хавфли оқибат келиб чиқишининг реал хавфи бўлиши керак. Агар жиноий оқибат ижтимоий хавфли қилмишнинг натижаси бўлмаса, яъни унинг содир этилишида объектив тарзда унинг келиб чиқиши реаллиги мумкин бўлмаса, шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ҳаракатсизлик йўли билан содир этилган жиноятларда сабабий боғланиш муаммолари худди фаол ҳаракат йўли билан жиноий қилмиш содир этишдаги каби ҳал этилади.

Аксарият ҳолларда содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш суд-тергов амалиётида унчалик қийинчилик туғдирмайди. Чунки оқибатлар (масалан, ўқ отиш йўли билан ўлдириш, совуқ қурол билан баданга шикаст етказиш) маълум ва аниқ кўриниб туради. Аммо айрим ҳолларда сабабий боғланишни аниқлаш анчагина мураккаб иш бўлиб, махсус экспертиза ўтказиш талаб этилади. Бу кўпроқ автотранспорт ҳаракати хавсизлиги қоидаларини бузиш туфайли содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда қўлланилади.

Оғирлаштирувчи аломатлардаги хато шахснинг оғирлаштирадиган ҳолатлар бор-йўқлиги ҳақида янглишганлигидан иборат. Бунда шахснинг қасдига мувофиқ жавобгарлик келиб чиқади. Масалан, айбдор аёл кишини унинг ҳомиладорлигини билмасдан ўлдирган бўлса, ҳомилани ўлдиргани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жавобгарликнинг муқаррар шарти содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва бошланган жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлашдир. Сабабий боғланишнинг йўқлиги ҳолатида бошланган оқибатлар субъектини айбдор деб топишга монелик қилади.

Келиб чиққан ижтимоий-хавфли оқибат учун жиноий жавобгарлик масаласи фақат бу оқибат айнан шу қилмиш содир этилиши натижасида келиб чиққанини ижобий ҳал қилгандан сўнг кўрсатилиши мумкин.

Агар оқибат содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш натижасида эмас, балки бошқа сабаблар туфайли келиб чиққан бўлса, у ҳолда бу оқибатлар ушбу қилмишни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Масалан, шахснинг баданига шикаст етказилган ва у тиббий ёрдам учун шифокорга мурожаат қилган ва қон қуйиш натижасида ОИТС (СПИД) касаллиги юқтирилган бўлса, бу ҳолда баданга шикаст етказган шахс унинг ОИТС (СПИД) билан касалланганлиги учун жавобгар бўлмайди. Чунки унинг ҳаракатлари билан жабрланувчининг ОИТС (СПИД) билан касалланиши ўртасида сабабий боғланиш йўқ. Жабрланувчи бу касаликка тиббиёт ходимининг бепарволиги ёки ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани боис йўлиққан.

Шахсни одам ўлдирганлик айблашда учун жиноятнинг тугаллангани, жиноий қилмиш билан ўлим орасида сабабий боғланишнинг мавжудлигини аниқлаш зарурдир.

Қилмиш ва ўлим ўртасида сабабий боғланишнинг йўқлиги шахсни одам ўлдириш учун жавобгарликка тортишни истисно қилади, мазкур қилмиш жабрланувчининг соғлигига турли даражадаги шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган моддалардан бири билан тасниф этилади.

Қонунчиликда дўппослаганлик (калтаклаганлик) ва қийнаганлик учун (ЖК 110-моддаси) жавобгарлик назарда тутилган. Қонунда кўрсатилган муайян оқибатларнинг юз бериши (меҳнат қобилиятининг йўқотилиши, инсон организми аъзоси ёки иш фаолиятининг йў?отилиши, ҳомиланинг тушиши ва ҳоказо) баданга оғир, ўртача оғир, енгил шикаст етказиши тамом бўлган жиноят деб топиш учун зарурий белги ҳисобланади. Бунда содир этилган ижтимоий хавфли ғайриқонуний қилмиш ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлиши керак. Бундай боғланиш бўлмаган тақдирда рўй берган оқибатларда шахсни айбдор, деб топиш мумкин эмас.

Масалан, В. нинг жиноят ишини кўриб чиқсак. У талабалар ётоқхонасида бўлганида О. ни жинсий яқинлик қилишга ундаган. Рад жавобини олгач, В. унинг номусига тегишга уринган. О. дераза токчасига чиқиб олиб, агар В. унга яқинлашса, ўзини деразадан ташқарига ташлаб юбориши ҳақида уни огоҳлантирган. В. таҳдидга парво қилмай унга яқинлашган, О. эса деразадан сакраган ва учинчи қаватдан йиқилиб тушиб, оғир шикастланган. Бу ҳолда, гарчи О. нинг соғлиғига ўзининг ҳаракатлари натижасида шикаст етказилган бўлса ҳам В. нинг ҳаракатлари ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш муқаррар (тўғридан-тўғри) эмас, балки тасодифан хусусиятга эга бўлган бўлса-да, юз берган оқибатларда В. айбдор деб ҳисобланиши керак. Чунки етказилган шикаст ва В.нинг қилмиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд.

Баён этилган фикрлардан юз берган оқибатлар учун жавобгарлик ҳам муқаррар, ҳам тасодифий сабабий боғланиш мавжуд бўлгани тақдирда, агар унинг ривожланиши айбдорнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, юзага келади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Судлар томонидан жиноят ишларини кўришда энг аввало жиноят содир қилиш ҳодисасининг барча ҳолатларини, уни содир қилган шахсни, содир қилинган қилмишда жиноят қонунида кўзда тутилган барча белгиларни тўлиқ ва батафсил аниқлаш, жиноятни тўғри тасниф қилиш қонунийлик ва адолатлилик тамойилига риоя қилишнинг асосий шартидир. Бунда айбдор томонидан жиноят содир қилинганига, шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишга алоҳида аҳамият берилиши керак.

Хуллас, ташқи белгилар жиноят таркибининг шундай белгиларики, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига ҳамиша ҳам аҳамиятли таъсир этмайди. Шу боис муайян жиноятлар таркибига асосий белгилар сифатида киритилмайди. Бундай белгиларга жиноят предмети (буюми), объектив томонга жиноий оқибатлар, қилмиш ва жиноий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг содир этилган вақти, жойи, вазияти, усули, жиноятни содир этиш қуроли, воситалари; субъектив томонга мотив ва мақсад; субъектда махсус белгилар мансубдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноятнинг муайян таркиби доирасида жиноят умумий таркибининг белгиси қайси гуруҳга тааллуқлилигидан қатъи назар, жиноят қонунида назарда тутилган барча белгилар мавжуд жиноят учун мажбурий бўлиб, улар сўзсиз қайд этилиши ва ва исботланиши лозим.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ
ҳуқуқшунос

Mohiyat

ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС, ТАРБИЯЛОВЧИ

I. БИРИНЧИ ВОҚЕА

Халқимизда «эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, деган гап бор. Бу жуда топиб айтилган гап. Бироқ эр-хотин ўртасидаги урушга мушт аралашса, дока рўмолнинг қуриши қийин кечаркан. Буни эр бўлмиш Зувурхон билан хотини Лолахон яқинда бошларидан кечиришди.

Нима бўлди-ю эр-хотиннинг гапи гапига тўғри келмай, айтишиб қолишди. На эр, на хотин бир гапдан қолай демади. Оқибатда бу можаро эрнинг хотинига мушт кўтариши билан якун топди. Судга оид тиббиёт экспертизанинг хулосасида кўрсатилишича, Лолахонга чап кўзининг юқори ва пастки қовоқ соҳасида қонталаш, кўзининг оқиш пардасига қон қуйилиши, кўриш ўткирлигининг пасайиши жароҳатлари етказилган.

Қонун тили билан айтганда, жиноят содир этилган эди. Шунинг учун ҳам Зувурхоннинг устидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. Шундай пайтда жабрланувчи тергов идорасига айбланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, соғайиб кетганини билдириб, ариза берди. Зувурхон ҳам айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини баён этиб, ариза ёзганди. Ҳар иккаласининг аризасида ярашиб кетиб, биргаликда яшаётгани қайд этилган эди.

Судда эса жабрланувчи ва айбланувчи тергов чоғида ярашув битимига келишгани, биргаликда яшаётганликларини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўрашди. Суд Жиноят Кодексининг 66-1-моддасига асосан З.Олимовнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим қилди.

II. ИККИНЧИ ВОҚЕА

Албатта, бировнинг дардини элга достон қилиш яхши эмас. Биз ҳам бу фикрдан мутлақо йироқмиз. Бироқ гап...

Киши ҳаётда турфа хил воқеа-ҳодисаларга рўбаро келади. Ўттиз икки ёшга кирган Иззатулла Маҳматқулов кунларнинг бирида акаси Саъдулло билан жанжаллашиб қолиб, унга ўртача оғирликдаги шикаст етказади.

Бироқ иккиси ҳам хатога йўл қўйишганини ўз вақтида англаб етишди. Жабрланувчи ва судланувчи судга ярашув тўғрисидаги аризалари билан мурожаат қилишди. Суд Жиноят кодексининг 66-1-моддасида назарда тутилган ҳолатлар — судланувчини биринчи марта жиноят содир этгани, айбига иқрор ва пушаймонлиги, жабрланувчи билан ярашиб кетгани, унга нисбатан зарар етказмагани, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, И.Маҳматқуловни жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

III. ҚИССАДАН ҲИССА

Биринчи воқеада тилга олинган Зувурхон билан Лолахоннинг ўрталарида икки фарзанд бор. Иккинчи воқеа қатнашчиси, айбланувчи Иззатулланинг фарзандлари тўрт нафар. Агар жиноий жазоларни либераллаштириш бўлмаганида, уларнинг ҳар иккаласи ҳам суд томонидан қамоқ жазосигача ҳукм қилинарди. Тасаввур қилинг-а, иккала оилада болалар бир неча йил ота меҳрига зор, рўзғор бошлиғидан мосуво бўларди. Тоғ тепасидаги музнинг эриши қийин бўлганидек, бундан яқин қариндошлар, уларнинг фарзандлари кўнглидаги совуқчилик ўрнини қачон иликлик эгалларди?

Мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиш муносабати билан **"Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат жазо тизимида, балки фуқаролар онги ва тақдирида ҳам муҳим ўзгаришлар ясамоқда. Юқоридаги ҳар икки ҳолатда Жиноят кодексининг 66-1-моддаси қўлланилиб, жиноят ишлари тугатилди. Мазкур модда **"Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"**дир.

Ушбу моддага биноан шахс жиноятини биринчи марта содир этган, ўз айбига иқрорлик билдирган, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зарарни қоплаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади. Ушбу йилнинг ўтган 8 ойи давомида биргина жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан 36 та жиноят ишига ярашганлиги сабабли жиноий жавобгарлик белгиланмади.

Кўриниб турибдики, мазкур қонунда шахсни жазолаш эмас, тарбиялаш назарда тутилган.

Бекбўта БОБОЖОНОВ,
ҳуқуқшунос



Бухоро.
Эъзоз топаётган қадамжолар

Jahon tajribasi

СУД ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Судьялар мустақиллиги ва матбуот эркинлиги масаласи ҳуқуқий демократик давлат ҳаётида ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кучайиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, бу ҳамкорлик жараёнида икки масала алоҳида ўрин эгаллайди: судларнинг транспарентлиги, маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш ва журналистлар томонидан суд жараёнига аралашувга йўл қўймаслик, айниқса, унинг мақсади жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган бўлса. Бу масаланинг назарий жиҳатдан мураккаблиги шундаки, битта вазифанинг бажарилиши иккинчисининг амалга оширилишини хавф остида қўйиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг суд маълумотларидан фойдаланиши — суд идоралари фаолиятининг фуқаролик назорати шакли бўлибгина қолмай, бундай фойдаланиш эркинлиги суд хатолари эҳтимолини камайтиради.

Суд фаолиятига оид маълумотлардан оммавий ахборот воситалари вакилларининг эркин фойдаланиши демократик жамиятнинг долзарб муаммоларидан биридир. Журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, авваламбор, айбсизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини ҳурмат қилиш, судьялар мустақиллигини такомиллаштириш зарурлигини билан чегараланган ўзига хос хусусият эга. Биринчидан, суд ишларининг очиқ юритилиши, конституциявий тамойили суднинг хатоларга йўл қўйиш эҳтимолини пасайтирувчи, иш ҳужжатларини текширишда ҳуқуқнинг моддий ва процессуал меъёрларига аниқ амал қилишнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, суд идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ҳуқуқий демократик давлатнинг зарур шартидир. Учинчидан, суд ишларининг очиқ юритилиши ва суд қарорларининг оммавий тарзда ўқилиши фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва цивилизациялашган ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Лекин судда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи меъёрларнинг йўқлиги бу борадаги ошкораликни сустлаштиради. Ўзбекистон Конституциясининг 113-моддасига асосан, қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, судда ишлар ошкора юритилади, демак, журналистлар ҳар қандай суд жараёнида иштирок этиши мумкин. Журналистлар баъзан ўз чиқишларида зарур ҳуқуқий билимларга эга бўлмасдан, ўқувчи, тингловчи ёки томошабин фикрини нотўғри тарафга йўналтириб, ҳуқуқий онгни бузувчи, юридик ваколатга эга бўлмаган фикр ва баҳоларни билдириши мумкин. Шунинг учун ҳам журналистларнинг ҳуқуқий масалаларга ихтисослашуви, уларга бу борада барча имкониятлар яратиб бериш бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда.

Журналистлар суд тизими ва судьялар қўллаган меъёрлар моҳиятини аввало ўзлари тўғри тушуниб, жамоатчиликка ҳам тўғри етказиши лозим. Лекин бу судлар фаолиятига халақит бермаслиги керак.

Шу ўринда бу борада дунёнинг тараққий этган давлатларида етарли тажриба тўпланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, АҚШ Олий суди 30 йил давомида чиқарилган қарорлар моҳиятини журналистларнинг тушунишига ёрдам беришда қуйидаги амалиётдан фойдаланади: уларга ушбу қарорларнинг резюмеси тақдим этилади. Унда ишда фойдаланилган, қарор чиқаришда суд асосланган процессуал ва асосий меъёрлар шарҳланади. Бундай резюмелар маълумотлар бўлимининг етук мутахассислари томонидан тузилади. Маълумотнома нашриётдан чиқарилишига қадар қарор матнини ёзган судья томонидан текширилади.

Канада Олий судида суд раиси қошида ҳуқуқий масалалар бўйича бош котиб лавозимини бажарувчи "ижро этувчи қонун вакили" оммавий ахборот воситалари ходимларини суд томонидан чиқарилган қарорлардан доимо хабардор қилиб туради. У қабул қилинган қарорларга баҳо бермасдан, чиқарилган қарор моҳиятини тушунтириши, саволларга жавоб бериши, шунингдек, суд томонидан амалга оширилган ишнинг аҳамиятини тушунтириши мумкин. Шуниси қизиқки, Канадада ижро этувчи қонун вакили кўрилаётган иш бўйича келиб чиққан саволлар бўйича ишни кўриш ва қарорни ўқишдан олдин матбуот анжумани ўтказиши мумкин. Лекин барча маълумотлар тасмага ёзилмаслик шарти билан тақдим этилади. Журналистлар ушбу маълумотлардан расмий далил сифатида фойдаланмаслиги керак.

Шундай қилиб, суд ва матбуотнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги бугунги кунда ғоят долзарб масаладир.

Энг муҳими, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорликда ишлаши учун барча шароитлар мавжуд. Эндиги вазифа ана шу асосда самарали иш олиб боришдан иборат.

Шаҳноза АҲАТОВА

Jinoyat va jazo

СИРЛИ ҚОТИЛЛИК

СУД ОЧЕРКИ

Қишлоқ врачлик пунктининг ходими Мирҳамид Муродов ҳамшира Зулфия Машариповадан шундай илтимос қилди:

— Илтимос, мактабга бориб, Ҳамида опани айтиб келсангиз...

Икки ўртада масофа бир оз олиқ эди. Шу боис ҳамшира мактабга боришга эринди: "Мактабга овора бўлиб борсам-у, — дея хаёлидан ўтказди у , — у ерда Ҳамида опанинг ўзи бўлмаса-чи?!. Бекорга овора бўлганим қолади". Шу пайт ҳамширанинг хаёлидан Ҳамида опанинг қизи Гуласал ўтди. Чунки у ўтган йилнинг сентябр ойида қишлоқ врачлик пунктига шундоқ қўшни хонадонга келин бўлиб тушган эди. Зулфия Машарипова йўли яқин бўлганидан қувонди. Ҳамида опани қизидан сўраб, кейин шунга қараб иш тутгани маъқул эмасми?!

Ҳовлида келини ўрнига Асалой опа кир юваётган эди.

— Гуласал йўқ, — деб жавоб берди қайнона, — уч кун бўляпти. Ҳожиакбар билан урушиб ота-онасиникига аразлаб кетиб қолган...

Ҳамширанинг ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. Кечқурун ишдан сўнг Ҳамида опани уйидан топишини врачга тушунтирди.

— Тўғри айтасиз, — дея ҳамширанинг фикрини қувватлади Мирҳомид Муродов, — ҳаммага ҳам тирикчилик керак. Ҳамида опа далада экин-тикинга қараётган бўлса керак.

Кечки пайт Зулфия Машарипова Ҳамида опани излаб, унинг уйига борди. Дарвоқе, ҳамширанинг тахмини тўғри чиқди. Ҳамида опа далада экан, бироз кутишга тўғри келди. У даладан қош қорайганда қайтди. Ҳамшира Ҳамида опани дўхтир йўқлатганини айтди. Кейин "Гуласал уйдами" деб сўради.

— Йўқ, уйда йўқ, — дея жавоб берди опа.

— Бугун эрталаб уни қайнонаси "Гуласал аразлаб уйига кетиб қолганига уч кун бўлди" деб айтди-ку?!

Ҳамида опанинг ичидан бир нарса "чирс" этиб узилиб кетгандек бўлди. Кўз олди қоронғи тортди. Қулоқларига ишонгиси келмади.

— Нималар деяпсиз, Зулфияхон, — деди у оёқ-қўлидан мадори кетиб, — бундай тушунтириброқ гапиринг, жон синглим. Гуласал қаерда эмиш?!.

Кутилмаган жавобдан Зулфия ҳам эс-ҳушини йўқотаёзди.

— Уч кун бўлибди, — деди ниҳоят ўзини тутиб олган Зулфия, — қайнонаси Ҳожиакбар билан жанжаллашиб сизларникига аразлаб келган экан-ку?!

— Вой тавба, — деди Ҳамида опа бошдаги рўмолини чангаллаб, — ишқилиб, шўримга шўрва тўкилиб қолмаса гўрга эди.

— Қаерга бориши мумкин, — деди Гуласалнинг отаси Ҳалимбой ака ҳам ҳайрон бўлиб, — кейинги кунларда кўнглим бир нарсани сезгандек бўлганди-я...

Кейин Ҳалимбой ака Ҳамида опани ёнига олиб шоша-пиша қудаларнинг уйига йўл олишди. Уларга келинлари Зубайда ҳам эргашди.

Бироқ қудаларининг хонадонида ўзгача бир кайфият ҳукм сурарди. Уларнинг бари ичкари уйда ҳеч нарса бўлмагандек дам олиб ўтиришган эди.

— Уч кун бўлди, қуда, — дея хотиржам жавоб берди Асалой, — қизингиз аразлаб кетиб қолди. Биз уни "сизларникида бўлса керак" деб кўнглимиз тўқ ўтирибмиз-да...

— Ўзи нима гап ўтди, — деб диққати ошиб сўради Ҳалимбой ака қудаларидан.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ajab savdolar

ЕЧИМСИЗ ЖУМБОҚ

Ҳаммага яхши маълумки, газетада саҳифаларида чоп этилаётган танқидий мақолалар шунчаки номигагина ёзилмайди. Аксинча, кимнингдир ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун мутасадди ташкилотларнинг диққатини жалб этиш, кўтарилган масалани ижобий ҳал этишни кўзда тутади. Бироқ амалиётда ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаслик, янаям тўғрироғи, ундан кўз юмиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, газетанинг шу йил 1 июл сонида "Буғдой пишганда келинг" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Ангор туманидаги "Омад" масъулияти чекланган жамияти 2000 йил 18 сентябр куни туман ҳокимлиги билан тузилган шартномага кўра, нархи 8 миллион 511 минг сўмлик иккита тўрт хонали уйни қуриб фойдаланишга топширгани, лекин орадан уч йил ўтган бўлса-да, қурувчи ташкилот ўз маблағини ололмай сарон бўлаётгани, туманга ишга келиб-кетган мутасаддилар қуруқ ваъдадан бошқа ҳеч бир амалий ишга қўл урмаётгани танқид қилинган эди.

Мазкур фельетон юзасидан таҳририятга вилоят ҳокими ўринбосари Х.Рамазоновнинг имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати йўлланган: ***"... Вилоят адлия бошқармаси "Омад" масъулияти чекланган жамият ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида шу йилнинг 21 апрел куни киритган хусусий шикояти фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят кассация инстанция судида шу йилнинг 13 июл куни кўриб чиқилиб, Шеробод туманлараро фуқаролик судининг шу йил 26 февралдаги ажримини бекор қилиб, қайта биринчи инстанция судида кўриб чиқиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган. Ҳозирда ушбу иш фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди томонидан қайта кўриб чиқилмоқда".***

Хўп, амалда аҳвол ўзгардими, деб сўрарсиз? Келинг, шу ўринда бироз чекиниш қилиб, масалага ойдинлик киритайлик. Бундан уч йил илгари туман ҳокимлиги билан хусусий фирма ўртасида 14-сонли шартнома тузилган. "Омад" масъулияти чекланган жамият ана шу шартнома асосида 8 хонали уйни қуриб, фойдаланишга топширган. Унга сарфланган 8 миллион 511 минг сўмлик харажат ҳужжатлар билан қонун талаблари асосида расмийлаштирилиб, ҳар икки томон масъуллари имзо чеккан. Лекин ҳокимият буюртмасини бекаму кўст бажарган жамият уч йилдан буён олинмаган маблағ учун туман солиқ инспекциясининг "ғазаби"га учраётган, ушбу биноларни тиклашда тер тўкиб ишлаган ишчилар ҳануз ўзларига тегишли ҳақини ололмай ҳалак. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: 8 миллион 511 минг сўмлик маблағ эвазига қад кўтарган бино учун ўз маблағини ололмаган "Омад" МЖЧнинг айби нимада? Бу масала нега ўз вақтида ҳал этилмайди? Суд қарори нега ижро этилмайди? Наҳотки, қурувчилар ҳалол меҳнатларига куйиб қолаверса?

Бойсун туманидаги "Мўмин" кичик корхонаси бундан уч йил илгари Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси билан тузилган шартномага кўра 2 миллион 245 минг сўмлик албастерни Термиз шаҳрига келтириб бергани газетанинг шу йил 8 апрел сонидан "Корхонамиз синадими?" сарлавҳали танқидий мақолада баён этилган эди. Газетанинг шу йил 1 июл кунидаги сонида вилоят прокурорнинг биринчи ўринбосари Ф.Бойзоқовнинг танқидий мақолага жавоби босилди. Унда шундай дейилган: **"Ҳозирги кунда ижро варақасига мувофиқ маблағларни ундириш юзасидан жавобгарнинг ҳисоб рақамида "инкасса" топшириқномаси қўйилган. Жавобгарнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмагани сабабли тегишли маблағ ундирилмаган".**

Шундан бери аҳвол ўзгарди дейсизми? Афсуски, йўқ. Вилоят хўжалик суди 2002 йил 30 апрел куни "Мўмин" кичик корхонаси Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиши бошқармасидан 2 миллион 245 минг асосий қарз, 1 миллион 122 минг сўм устама — жами 3 миллион 371 минг сўмлик маблағни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган. Аммо у бир ярим йилдан буён оддий қоғозга айланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиши бошқармаси кўпгина корхона, қурилиш ташкилотлар ва хусусий фирмалардан 907 миллион сўмлик қарздор. Ҳозирда бўлимнинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилган. Тўғрироғи, бундай ташкилот ҳозир йўқ. Ўн миллионлаб иш бажарган қурувчилар эса маблағини ололмай юрибди. Бунга ким айбдор? Кредит эвазига цех қуриб, қарийб икки ярим миллион сўмлик албастерини ўз қўли билан топширган "Мўмин" кичик корхонаси банкда олинган кредит фоизига, қолаверса, ўз маблағини ололмади. Бу маблағни суднинг қарори билан ҳам ололмаган корхона ундан умидини узди. Чунки маблағ берадиган ташкилотнинг ўзи энди йўқ-да! Айбдорчи? У ҳам топилмайди шекилли...

Газетанинг шу йил 22 апрел сонида "Қарзни ким тўлайди?" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилиб, унда 2001 йил 5 феврал кунидаги 12-сонли шартнома асосида Термиз шаҳридаги "Теран" хусусий фирмаси вилоят "Тадбиркорлар маркази" биносининг қурилишида иштирок этиб, 4 миллион 296 минг сўмлик иш бажаргани, шундан 2 миллион 499 минг сўмлик маблағни ололмагани учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритгани тўғрисида гап борган эди. Вилоят хўжалик судининг 2002 йил 25 июл кунидаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган. Мана, суднинг ҳал қилув қарори чиққани ва шу асосида "Тадбиркор банк"-нинг вилоят бўлимига "инкассали" тўловнома қўйилганига ҳам бир йилу 2 ой тўлди. Лекин маблағдан эса дарак йўқ. Икки ярим миллион сўмлик маблағ бир хусусий фирма учун озгина пул эмас.

Бир фирма бошлиғининг шикоят хати юзасидан журналистик текширув олиб борганимизда вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси собиқ раҳбари "мабодо ишдан кетиб қолсам ҳам, ортимда қарздорлик бўлмайди", деган ваъдаларига ишонган эдик. Афсуски, ишонган тоғингда кийик ётмас экан. Ҳозирда ана шу қўмитанинг янги раҳбари бўлган Парда Жўраевдан танқидий мақола натижасини суриштирганимизда, "Яқинда қўмитанинг эски биносини сотувга қўйганмиз. Харидор чиқиб, пулни туширишса, хусусий корхона албатта маблағини олади", деб ваъда берди. Ваъда қачон бажарилади — буни вақт кўрсатади...

Бундан ташқари, вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасидан Қибрай туманидаги "Ижод" фирмаси 2002 йил 24 июндаги вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра 35 миллион 527 минг сўм, Термиз шаҳридаги "Феруз" хусусий фирмаси вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан 5 миллион 636 минг сўмлик маблағларни бир ярим йилдан буён ололгани йўқ.

Албатта, бу муаммолар хусусида фикр юритишдан кўзланган асосий мақсад кимнидир қоралаш ёки кимнидир оқлаш эмас. Балки мавжуд муаммони ҳал этиш, рўй берган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга кўмаклашишдир.

Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига тараққиёт кафолати деб қаралаётган экан, бу борада масъулиятни унутиш, лоқайдликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўйлаймизки, юқорида баён этилган фикрлардан мутасаддилар раҳбарлар тегишли хулоса чиқариб олади ва мавжуд муаммони ижобий ҳал этади.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

УМРНИНГ ИККИ ЙЎЛИ

I. ЧИМИЛДИҚДАН ЧИҚҚАН ФАРЁД

Тонг саҳарда қандайдир аёлнинг фарёди бутун маҳалланинг тинчини бузиб юборади. Энг ёмони, аёлнинг фарёди куни кеча тўй бўлиб ўтган хонадондан келаётган эди. Ана шу нарса кўпчиликни саросимага солиб қўйди. Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, қандайдир фожиа юз бергани аниқ эди...

...Зариф аканинг эндигина 17 ёшга кирган кўҳликкина қизига оғиз солганлар кўп бўлди. Хотининнинг вафотидан сўнг 7 нафар боланинг ташвиши отанинг елкасига тушди. Баҳоли қудрат барча фарзандларини уйли-жойли қилди. Фақат кенжа қизини сал йиғиниб, сўнг насиб қилса узатарман, деган ўйда эди. Бироқ совчилар эшикнинг зулфини бузиб юборгудек бўлишди...

Отанинг бошида минг бир хаёл айланарди: қизим бахтли бўлармикин?!. Тенгини топармикин?!. Ўшанда кимсан Шарифбойнинг ўғлидан бир эмас, уч марта совчи келганлиги дўстларини қувонтириб, душманларини ҳасадини қўзғади. Шарифбой ака билан қуда бўлишни унча-мунча одам орзу ҳам қилолмасди. Чунки бой-бадавлат, таги-тахтли бу хонадоннинг довруғи узоқ-узоқларга кетганди.

Шунинг учун бўлса керак, бўлғуси қуда бир томонда қолиб, Зариф аканинг ака-укалари-ю, қариндош-уруғлари унинг уйига серқатнов бўлиб қолишди.

- Шарифбой аканинг совчилари уч марта қулчиликка келишибди, - дея қайта-қайта такрорларди улар, - бошингга бахт қуши қўнгани шу эмасми?!. Ўзинг бир камбағал бўлсанг, нимангга кериласан?! Еганинг олдинда, емаганинг ортингда бўлади. Шу баҳона бизнинг ҳам кўкрагимизга шамол тегади. Шуни тушунасанми, ўзи?!

Бироқ ота барибир оёқ тираб туриб олди. Шундан сўнг ўртага казо-казо одамлар тушди, қўлини қўксига қўйиб, ака, энди йўқ деманг, деб ялинишди. Маҳалла оқсоқоли унинг уйига серқатнов бўлиб қолди.

Бироқ ҳадеганда Зариф аканинг фикри ўзгармади.

Шундан сўнг унинг отаси Сафар ака орага тушди:

- Қани ўғлим, менга айт-чи, совчиларни нега қайтаряпсан?! Қиз болани иши қийин, болам, бир ўтирса, ўтириб қолади, - деди у соқол-мўйловини силаб. — Бошингга ёстиқ бўлармиди, ҳарна қутулганинг қолади. Ёки Шарифбойдай одамни назаринг илмаяптими?!.

Отасининг юзига ҳеч қачон тик қарамаган Зариф аканинг бу гал бирдан зардаси қайнаб кетди-ю, бироқ ўзини босиб, гапира бошлади:

- Кўрпангга қараб оёқ узат, деган гап бор, ота, - деди у ерга тикилиб, - Шарифбой ака ҳалоллик билан бойиган одам, уни ёмон деёлмайман. Лекин биз учун унинг охури баландлик қилади. Қизим хўрланмасин дейман-да, ота.

- Гапни чўзма, чайналишингга бирор сабаб борми? Бу гапларинг важ бўлолмайди, - деди Сафар ака.

- Майли, сизга юрагимни ёраман бўлмаса, - деди Зариф ака эшик томонга хавотирланиб қараб қўяркан. - Суриштирдим, ўғли гиёҳвандликка чалинган экан...

- Э, ҳали душманларнинг гапига учиб юрибман дегин, - деди Сафар ака кутилмаганда чиройи очилиб. - Кўролмайдиган одамлар кам дейсанми? Биров эшитмасин бу гапни, шундай одамнинг яккаю-ягона ўғли ёмон бола бўлармиди, қўйсанг-чи.

- Йўқ, ота, мен ҳам бекор юрганим йўқ, ҳаммасини сўраб-суриштирдим, - деди Зариф ака кескин. - Бир ошнамнинг ўғли билан институтда бирга ўқишган экан. Ўша вақтдаёқ шу дардга мубтало бўлган экан...

- Ҳей, латтачайнар, - деб Сафар ака ўрнидан туриб кетди. — Ёшликда нималар бўлмайди. Ўзимиз ҳам ёшлигимизда фаришта эмасдик. Ичардик, чекардик, ҳа энди, кейинчалик мана қолиб кетди-ку. Обрўсини билмаган аҳмоқ. Ўзи сенинг миянг айниб қопти. Хотининг ўлгандан кейин уйланмаганингни касри - мана шу-да...

- Мени кечирасиз-у, ота, - деди Зариф ака чинакамига жаҳли чиқиб, — мени эмас, сизларнинг мияларинг айниб қолган бўлса керак... Шарифбойнинг пули кўп деб, қизимни ўтга ташлашим керакми?! Сиз билан биз бой бўлмасак ҳам, худога шукр, қизимиз ўтмаяптими? Қолаверса, уйланадиган Шарифбой эмас, менингча, унинг арзандаси...

- Энди, бўлмаса гап бундай, - деди эшикни олдига бориб қолган Сафар ака, - агар сен айтгандай куёв гиёҳванд бўлса, Шарифбой Тошкентга обориб, уч кунда даволатиб олади. Эшитганман, шунақа дўхтирлар бор экан. Ота рози - худо рози. Мени десанг, қизингни ўша хонадонга берасан, гап тамом-вассалом.

Шарифбой ака ҳам бир эмас, уч марта совчилар қуруқ қайтгач, ўйланишт қолди. Уни баъзан хавотирга соладиган айрим нарсаларни текшириб кўрмоқчи бўлди. Ўғлининг машинасига яшириб қўйилган шприцлару, аллақандай дориларни топиб олгач, адойи тамом бўлди. Дардини ҳатто хотинидан ҳам яширди. Қон босими ошиб кетиб, уч кун ётиб қолди. Лекин кеч бўлганди. Тўй ўтганча ёпиғлиқ қозон ёпиқ қоладиган бўлди. Ундан кейин бир чораси топилади, деган қарорга келди.

Никоҳ тўйи дабдаба билан ўтди. Куёв йигит чимилдиққа киргач, янгаларга жавоб бериб юборди. Келинчак унинг афт-ангорини кўриб, зўрға таниди. Негадир унинг кўзлари қизариб, юзи кўкариб кетган, бутун аъзойи-бадани даг-даг қалтираётгандай эди.

- Ҳа, охири сизга етишдим-а, - деди куёвбола беўхшов тиржайиб, - тилло узук муборак бўлсин. Аммо дунёдаги энг бахтли келин бўласиз, бунга гарантия. Сизга ҳозир бир сирни очаман. Билганингиз маъқул, ахир, энди менинг хотинимсиз. Лекин сиз қўрқманг...

Шундан сўнг у чўнтагидан шприц ва аллақандай дориларни чиқарди. Буни кўрган келинчак қўрққанидан юзини бекитиб олди.

- Энди қарайверсангиз ҳам бўлади, - деди куёвбола тирсагигача ялангоч қўлини букиб ушлаганча.

Орадан бироз вақт ўтгач, у аллақандай оқ кукунни зўр бериб ҳидлашга тушди.

- Энди мен бироз дам оламан, кейин эса мурод-мақсадимизга етамиз, — дея у тиржайиб ўзини ўриндиққа ташлади.

Нима бўлаётганига сира тушунмаган келинчак анча вақт унга тикилиб ўтирди. Шу орада кўзи илингандек бўлди. Бироқ тезда чўчиб уйғонди. Нимагадир куёвнинг хуррак отиши тўхтаганн, назарида, у нафас ҳам олмаётганга ўхшарди. Шундан у хавотирга тушиб, куёвболани уйғотмоқчи бўлди, лекин у "мик" этмасди. Кейин унинг юзига қўлини қўйди-ю, музни ушлагандай чўчиб тушди. Келиннинг томоғига ўзўзидан тиқилган нарса — фарёд бўлиб отилиб чиқди...

Бу фожиадан хабар топган Зариф ака зудлик билан қудасиникига етиб келган-да, қизи ҳовли ўртасида туриб олиб, дод соларди. У отасининг бўйнига осилиб олди.

- Мени кечир қизим, - деди Зариф ака йиғи аралаш. - Мен сени бахтли бўласан, деб ўйлагандим. Отанг ўлсин болам, сени шу кўйга солган отанг ўлсин...

Ердан тобут кўтарилганда, кенг ҳовлининг нариги четида гиламдаги чала ўчирилган "Тўйимизга марҳамат" деган ҳашамдор ёзув бир неча соатлар илгари маъносини мутлақо йўқотган, у айни чоғда қўпол ҳазилга ўхшарди...

II. УМРНИНГ БИР ЛАҲЗАСИ

Маҳаллага посбон бўлганидан буён Мурод ярим тунда уйга келадиган бўлди. Иш кўп, ташвиш кўп. Вақт қандай ўтганини сезмайди.

Шунинг учун ҳар кун алламаҳалда ҳолдан тойиб уйига кириб келади.

- Ўғлим, бугун қизиқ иш бўлди, - деди Зира опа унинг олдига бир коса овқатни қўяркан. - Тўртта аёл йиғилса, тўрни бермайдиган очиқ Каромат бугун тўйда ўзидан ўзи, пойгада ўтириш сизга ярашмайди деб мени қўярда-қўймай тўрга ўтқазиб қўйса, бўладими?! Ўғлингиз ишлагандан бери маҳаллада ўғирлик, жанжал йўқ бўлди. Шундай фарзандни туққан она тепада ўтиради, дейди. Бошим осмонга етди, умрингдан барака топ, болам. Қилган ишларингни онанг бўлатуриб, кўчадан эшитсам, уят бўлади.

- Ҳамма қатори ишлаб юрибманда, она. Жиноятнинг олдини олиш менинг вазифамга киради.

Бирдан унинг нигоҳи бир нуқтага тикилиб қолди. Щоди сариқни болалари уни хавотирга соларди. Ҳар кимни уйига бошлаб келиш одатини қўйишмади. Бир-икки танбеҳ берган эди, нордон-нордон жавоб олди. Кейин бир нарса ёдига тушгандай, Мурод онасига юзланди: - Эртага кечроқ овқатланаман, иссиқ қилиб ўраб қўйинг хўпми, зарур бир ишни охирига етказишим керак.

Кечга томон Щоди сариқни уйига яна номаълум кимсалар серқатнов бўлиб қолишди. Кириб чиқаётганлар асосан балоғат ёшига етмаган ёш болалар эди.

Ичкаридан чиққанлардан бирини гапга солганди, видео томоша қиляпмиз, деди.

Мурод нохуш нарсани сезгандай у ёқдан-бу ёққа икки-уч марта ўтди-да, тўғри участка нозирини идорасига борди. Уни учратолмагач, яна ўзи назоратга олган уй ёнида пайдо бўлди. Шу пайт "Ёрдам беринг" деган чинқириқни эшитиб, сергакланди. Овоз Щоди сариқнинг уйи томондан келарди. Овоз такрорлангач, ҳовлидан ўтиб тўғри уйга кириб борди. Ичкари қоронғу эди. Беш-олти нафар бола телевизорда аллақандай кино томоша қилар, тамаки аралаш яна аллақандай бадбўй ҳидга чидаб бўлмасди.

Бир фурсатдан кейин дераза ёнида ёш болани қўлтиғидан ушлаб турган икки кишига унинг кўзи тушди. Бирининг қўлида шприц ҳам бор эди.

Мурод чаққонлик билан шприцни олиб, четга улоқтирди. Икки нусха энди болани қўйиб юбориб Муродга ёпишиб кетди.

- Исковчи ит, сени бугун бу ердан тирик чиқармаймиз, - деди улардан бири. - Ҳар куни шу атрофда санқиб юришингни билмайди дейсанми?

Қисқа олишув Муродни фойдасига ҳал бўлди. Ҳарбий десант қисмида спорт билан шуғулланган қўл келди. У чаққонлик билан чироқни ёқди. Кино кўриб ўтирганлар наша чекиб, шунчалик карахт ҳолатга тушган эдики, атрофда бўлаётган тўс-тўполонга ҳам аҳамият беришмасди.

- Ҳамманг ташқарига чиқларинг, милицияга борасанлар, - бақирди Мурод. - Бугундан бошлаб гиёҳвандлик ва нашавандлар уясига чек қўйилади.

Шу пайт ортидан кимдир келиб, унинг биқинига пичоқ санчди. Бу Щоди сариқнинг қамоқдан келган ўғли Шокир эди.

- Кекирдагингни узиб ташлайман, аблаҳ, - қичқирди у, - насибамизни қирқдинг, энди ўласан.

У Муродга яна устма-уст пичоқ урди. Қонни кўргач, ҳамма тумтарақай эшикка қараб қоча бошлади.

... Маҳалла ёшлари Муроднинг нима учун ҳалок бўлганини яхши билишади. Туман милиция бўлимида юрт осойишталиги учун жон фидо қилган йигитлар қаторида Муроднинг ҳам сурати бор. Ёш посбонлар шу ерда қасамёд қилишади.

Зира хола эса ҳамон ўғлининг насибасини олиб қўйишни бир кун бўлсин канда қилгани йўқ... Инсон умри лаҳзалардан иборат. Шундай лаҳза бўладики, унда ё ҳаёт, ё мамотни танлаш керак бўлади. Юртнинг мард ўғлонлари ана шундай дамларда ҳеч иккиланмай мангулик йўлини танлайдилар. Мангуликка даҳлдор инсон номи эса ҳеч қачон ўчмайди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Turmush chorrahasida

Taqdir tarixi



James MADISON

ҲАЛҚПАРВАР ИНСОН ҚИСМАТИ

Америка Қўшма Штатлари Конституциясининг яратилишига улкан ҳиссса қўшган ҳамда федерал ҳокимият тизимини ташкил қилишга жонбозлик кўрсатган шахслардан бири АҚШнинг тўртинчи президенти Жеймс Мэдисондир.

Оиладаги ўн икки нафар фарзанднинг энг каттаси бўлган Жеймс 1751 йилнинг 16 мартида туғилади. Унинг отаси Жеймс деҳқончилик билан шуғулланар, онаси Нелли хоним эса уй бекаси эди. Шунисси қизиқки, Америка президентлари ичида энг кўп фарзандли оила ҳам Мэдисонлар оиласи бўлган. Жеймс ёшлигида нозик табиатли бола бўлгани боис, тез-тез касалга чалиниб турарди. У дастлаб хусусий ўқитувчилар қўлида, кейинроқ эса Донлад Робертсон номидаги мактабда таҳсил олади. Мактабни битиргач, 18 ёшли Жеймс Нью-Жерси коллежи (ҳозирги Принстон университети) га ўқишга қабул қилинади. Икки йиллик ўқиш мобайнида Жеймс барча фанлар, айниқса, сиёсат илмини чуқур ўзлаштириб, «Виггилар» жамиятига аъзо бўлиб киради. Университетни тамомлаб, олти ой давомида фалсафа билан жиддий шуғулланади. Мэдисоннинг сиёсатда ном қозониши янги ташкил топган Виржиния штати Хавфсизлик кенгашига сайланиши билан боғлиқ. Ушбу кенгаши аъзоси сифатида Мэдисон Виржиния конституцияси ва Виржиния ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари билан жиддий шуғулланиб, уни ишлаб чиқади.

Шунингдек, айнан шу ерда у «Конституция оталари»дан бири бўлмиш Томас Жефферсон билан танишиб, биргаликда фаолият юритишади ва кейинчалик қалин дўст бўлиб қолишади. 1783 йилда Мэдисон тарих ва ҳуқуқ фанини мукаммал ўрганиш ниятида сиёсий ҳаётдан бироз бўлса-да узоқлашмоқчи бўлади. Аммо Оринж Округи (Виржиния) аҳолиси унга юксак ишонч билдириб, штат ассамблеясига сайлашади. Ассамблеяда ишлаган пайтда Жеймс ўртоғи Жефферсон илгари сурган динни давлатдан ажратиш ғоясини қўллаб-қувватлаб, Виржиния фуқароларининг эътиқод эркинлиги ҳуқуқини қонуний равишда кафолатлайди. Энди 36 ёшда бўлишига қарамасдан, Мэдисон ўзининг ижро ҳокимиятини ташкил этиш ғояси ва Виржинияни иттифоққа бирлаштириш масалаларини ўртага ташлагани туфайли 1787 йилда бўлган АҚШ Конституциясини ишлаб чиқиш комиссиясининг йиғилишида қатнашиб, кўпчилик машҳур давлат арбоблари ва сиёсатчиларининг эътиборига тушади. Бундан ташқари, у Америка тарихида биринчи бўлиб Конституцияга шарҳ ёзади. Қисқаси, Мэдисоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда кўрсатган ана шундай фаоллиги унинг келажакда катта муваффақият қозонишида асосий омил бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у рақиби Жеймс Монрони мағлуб этиб, Конгресснинг вакиллар палатаси аъзолигини қўлга киритади. Парламентнинг ташаббускор депутатларидан бири бўлган Мэдисоннинг таклифига асосан ҳар бир штатда молия идоралари ташкил қилинади. Энг муҳими, АҚШ Конституцияси ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллга дастлабки 10 та ўзгартириш киритилиши (1789-йил 25 сентябр) ҳам Жеймс Мэдисоннинг номи билан боғлик. Мазкур ўзгартиришларга мувофиқ, АҚШ фуқаролари сўз, ижод эркинлиги ва ҳокимият идораларига маъмурий тартибда мурожаат қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, Мэдисон сиёсатшунос Александр Гамилтон олиб бораётган молия сиёсатига қарши чиқади. Чунки Гамилтоннинг молиявий сиёсати кўпроқ шарқий штат фуқароларига имтиёз яратар, жанубий ва ғарбий штатлар аҳолиси эса бундай тенгсизликдан азият чекишарди. Федерал кучлар сиёсатига қарши курашиш ва ўз тарафдорларини атрофида тўплаш мақсадида 1792 йилда Жеймс Мэдисон ва Томас Жефферсонлар демократик-республикачилар партиясига асос солишади. Мэдисоннинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у филаделфиялик Долли Пейн исмли бева аёлга уйланади. 1801 йилда Томас Жефферсоннинг мамлакат президенти этиб сайланиши демократлар ўз сиёсатини амалда тадбиқ этиш вақти келганини билдирарди. Президент Жефферсон қасамёд маросимининг эртаси куниёқ Мэдисонни Луизияна штати котиби этиб тайинлайди.

Ваколат муддати тугаши арафасида Жефферсон Жеймс Мэдисонни ўзидан кейинги президент бўлишини жуда хоҳларди. Чунки ҳали охирига етказилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп эди. Холис, яхши ниятли кишиларнинг хоҳиши доимо ижобат бўлади деганларидек, сайловда Мэдисон сиёсий рақиби Жорж Клинтонга ҳеч қандай имконият қолдирмайди. Давлат раҳбари сифатида Жеймс Мэдисон ички ва ташқи сиёсатни ўзининг аниқ дастурига таянган ҳолда олиб боради. Давлат бошқарув соҳасида «Мэдисон назарияси», деб номланувчи ва мазмун-моҳиятига кўра қуйидагиларни ўз ичига олувчи ғояни илгари суради:

— Ҳокимият кўпчилик томонидан бошқарилиши лозим, яъни давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқдир;

— Ижтимоий ҳаётда хилма-хил қарашлар, фикрлар ва институтлар ҳукмронлик қилиши керак;

— Ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идоралари бир-бирини ишига аралашмай, мустақил фаолият юритиши даркор.

Президент Мэдисон даврида АҚШнинг ташқи сиёсат борасидаги асосий муаммоси Франция ва Буюк Британия давлатлари билан ҳалигача бир муроса-ю мадорага кела олмаганлиги эди. Бу икки давлат билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Конгресс 1810 йилда махсус шартномани тасдиқлайди. Унга биноан, агар Британия ёки Франция ҳарбий кучлари Америкага нисбатан босқинчилик ҳаракатларини тўхтатса, АҚШ ҳукумати бошқа мамлакатлар сингари улар билан ҳам тенг ҳуқуқли алоқа қилиш назарда тутилган эди. Бироқ Наполеон бошлиқ французлар буни хоҳламайди шекилли, Америкага қарши, уруш эълон қилади. Қанча музокаралар олиб бормасин, барчаси бесамар кетганидан афсусланган Жеймс бу икки давлатга қарши тарихда «Мэдисон уруши» деб ном қозонган урушни бошлашга мажбур бўлади. Бу орада эса Америка халқи ўз тинчтотувлигини ўйлаб Жеймс Мэдисонни иккинчи муддатга президентликка ҳам сайлайди. Урушнинг дастлабки кунидан Британия армияси АҚШ қўшинларини тор-мор қилиб бўлмаслигига кўзи ета бошлайди. Канада учун бўлган жанг икки йил давом этса-да, ҳеч қайси томон ғалаба қозона олмайди. 1814 йилда инглиз қўшинлари, америкаликлар, ғалабадан умид ҳам қилманг, дея Капитолий, Оқ уй ва пойтахт Вашингтонни вайронага айлантиради. Бунга жавобан Америка ҳарбий кучлари Англиянинг ҳаракатдаги қўшинларини тормор этади. Охир-оқибатда уруш икки томоннинг ўзаро «Тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома тузиши билан барҳам топади. Ўшанда АҚШнинг Мудофаа вазири Роберт Рутланд шундай деган эди: «Мэдисоннинг асосий мақсади уруш очиш ёки шу йўл билан низони ҳал этиш эмас эди. У фақат инглизларга АҚШнинг ҳудудий жиҳатдан дахлсиз ва мустақил давлат эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлди, холос».

Урушдан кейинги икки йил ичида мамлакат тарихида биринчи «Миллий банк» ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш орқали халқ фаровонлиги, турмуш тарзи яхшиланиб боради. 1817 йилда Оқ уйни тарк этиш олдидан президент Мэдисон ёнидагиларга қарата, «Менинг орзуим иттифоқни бир мақсад йўлида бирлаштириш эди. Аммо бунга ҳали эрта экан, сиз Оқ уй вакилларидан илтимосим шуки, аввало халқни ўйланг, ана шунда ҳеч ким ҳеч қачон эркимизга таҳдид сола олмайди», деб васият қилади.

Шундан кейин у умрининг охиригача Виржиния университети ректори лавозимида ишлайди. Шундай бўлса-да, Жеймс Мэдисон ўзини тўлақонли бахтли инсон ҳисобламайди. Ўлими олдидан «Ҳаётдаги энг катта армоним бирорта ҳам фарзандим бўлмаганлигидир», дея афсус билдиради.

Хусан ТУРСУНОВ,
Баҳодир СУЮНОВ

Qilmish-qidirmish

ҚУЮН ИЧИДАГИ "ЎЙИН"

Қаршилик Шерзод Хўжаниёзов ўз ёнига Эргаш, Абдураҳмон, Аҳад, Ўткир, Шомил, Абдунаим исмли йигитларни тўплаб, хуфёна йўл билан қўшни давлат ҳудудидан ноқонуний тамаки маҳсулотларини олиб келиб сотиш билан шуғулланишга аҳд қилди. Улар ўзларининг бу ноқонуний ишни "Қуюн" операцияси деб номлашди. Шу йилнинг март ойи ўрталарида улар Туркманистон Республикасининг Лебап вилоятидан ноқонний равишда контрабанда маҳсулотларини мамлакатимизга олиб келишди. Кейин эса уни Қарши туманидаги Тўқмангит қишлоғида яшовчи А.Ҳайитовнинг уйига соттира бошлашди. Ишнинг олға силжиётганидан руҳланган Шерзод "Нексия" русумли автомашинасига "Мидланд" русумли алоқа мосламасини ўрнатиб, Шомил Қиличевнинг бошқарувида бўлган "Зил 130" русумли юк машинаси ҳамроҳлигида айланма йўл орқали яна қўшни Туркманистонга йўл олади. У ердан акциз марказси бўлмаган 75000 қути "PINE" сигарет маҳсулоти сотиб олган. Шундан сўнг сигаретларни Ш.Қиличевнинг юк машинасига юклаб, айланма тоғ йўли орқали Қарши шаҳрига олиб келиб, гуруҳ аъзолари Э.Сувонов ва А.Абдиғаниевга топширган. Улар ўз навбатида маҳсулотни Тўқмангит қишлоғида А.Ҳайитовнинг уйига олиб бориб, номаълум шахсларга сотиб юборади. Шу тариқа мўмайгина даромадни қўлга киритган гуруҳ ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, жиноий ҳаракатларни яна давом эттиришди.

Шу йилнинг 1 июн куни текин даромадга мазаҳўрак бўлган гуруҳ навбатдаги "Қуюн" операциясини ташкил этишди. Бу гал улар кўп миқдорда акциз маркасиз сигарета маҳсулотларини ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтишди ва 44130 қути сигаретни 17652000 сўмга пуллаб юборишди. Бироқ кўза кунда эмас, кунида синди. Гуруҳ қолган 43370 қути сигарета маҳсулотларини сотаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Хуфёна гуруҳнинг кирдикорлари фош қилиниб, содир этган жиноятларига яраша қонуний жазо тайинланди.

Хуллас, "қуюн" ичидаги "ўйин" ноқонуний бойлик орттирмоқчи бўлган кимсаларга қимматга тушди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Рустам ҚЎШОҚОВ,
ҳуқуқшунос
Гози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири



Бухоро.
Эзъоз топаётган қадамжолар

Суратлар муаллифи
Абдутани ЖУМАЕВ

Mitti maslahat

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШ ЁШИ

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексда ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ва жазо чораси қўлланиши аниқ белгилаб берилган. Унинг жиноий қонун ҳужжатларидан фарқи шундаки, **Маъмурий Кодекснинг 13-моддасига биноан фақат 16 ёшга тўлган шахсларгина маъмурий жавобгарликка тортилади.** Бунда ишни кўриб чиқиш ёки иш бўйича қарорни бажаришнинг бошланиш пайти эмас, **балки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган вақт ҳисобга олинади.** Илмий ва амалий манбалардан маълум бўлишича, айни 16 ёшга тўлган ёшлар маъмурий ҳуқуқбузарлик нимадан иборат эканини тўлиқ англаб етиш лаёқатига эга бўлади.

Шу боис, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши жуда тўғри белгиланган.

Бекзод ЁҚУБОВ

СИРЛИ ҚОТИЛЛИК

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

— Ҳе, бу ёшлар бир-бири билан гап талашади-да, — дея тушунтира бошлади Саидмурод Мамажонов. — Арзимаган гап учун қизингиз Ҳожиакбар билан «сен-менга» бориб қолибди. Мен Ҳожиакбарга бир неча бор бундай гап ташишни қўй, деб айтдим. Барибир бола экан, ўз билганидан қолмади, қулоқсиз. Сиз ҳам Гуласалга бундай насиҳат қилиб қўйинг, қуда.

— Хўп, хўп, — деди Ҳалимбой ака.

Бироқ онаизор қизидан қаттиқ хавотир олаётган, унинг хаёлида минг битта ваҳимали ўй айланар эди. Гуласал қаерга кетиши мумкин?!.

Дард устига чипқон дегандек, Асалойнинг кинояси ҳаммасидан ошиб тушди:

— Сизлар билмасанглар, биз қаердан биламиз. Биронта машинада тўқайга кетгандир-да...

Қудаси томондан айтилган сўз Ҳамида опанинг жон-жонидан ўтиб кетди. Қизи қайнонаси ўйлагандек ҳеч қачон бундай тубанликка бормайди.

— Болага сен билан мен тарбия берганмиз, — деди Ҳалимбой ака ташқарига чиққач, — шунинг учун уни қаердан бўлса-да, излаб топиш сен билан менинг бурчим.

Ҳалимбой ака хотини билан қудасининг уйидан қайтгач, акаси Каримжоннинг ҳовлисига қараб йўл олди. У акасининг енгил машинасида Ғурумсарой қишлоғига бориб келишлари мўлжаллаб турарди. Ҳалимбой акасининг уйига кетаётиб, маҳалла дўкони олдидаги сўрида куёви Аҳмаджон ўртоқлари билан нарда ўйнаб ўтирганига кўзи тушди.

Ҳалимбой ака ундан ҳам қизининг қаерда эканини сўради.

— Уйга кетганига уч кун бўлди, — деди у ҳам ота-онасининг жавобини такрорлаганча. Бироқ у кутилмаганда нимадандир қўрқувга тушиб, шошиб ўрнидан турди-да, уйи томон кетди.

Бироқ Ҳалимбой ака, куёвининг бу хатти-ҳаракатига эътибор бермади.

Улар Каримжон аканинг машинасида Ғурумсаройга Гуласални излаб боришди. Гуласал Ғурумсаройга қадам ҳам босмаган экан. Бироқ улар бехудага овора бўлаётганини билишмасди. Шу тобда Ҳалимбой ака ва Ҳамида опанинг кўнглига қил ҳам сиғмас, уларни жигарбандлари Гуласалнинг ноаён тақдири қаттиқ изтиробга соларди.

У яна қаерга бориши мумкин?! Узоқ ва яқиндаги қариндош-уруғларининг барчасидан сўраб-суриштириб чиқишди. Бироқ биронтаси Гуласални кўрдим демади. Гуласал ерга кирганми, осмонга чиққанми, ҳеч қаерда йўқ эди.

Ҳалимбой аканинг назарида, бу ерда қандайдир сир-синоат яширингандек туюлар, айниқса, қуда-қуда ҳаётидаги ҳодисалар ҳақида ҳеч нарсани ошкора қилмаётган Ҳожиакбар ҳаммасини ўйлаб, ҳисоблаб иш тутаётганлиги, ҳеч нарсадан ҳадиксирамаётганлиги, ҳеч нарсани ҳеч кимга ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким